

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМЛИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

А. РАҲИМОВ

ТРАКТОРЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ҲИСОБЛАШ.
ТРАКТОР ТРАНСМИССИЯСИДАГИ
ГИДРАВЛИК ЮРИТМАЛАР

II Гидродинамик узаматлар

1502 "Тракторсозлик"
ихтисослиги талабалари
учун ўқув қўлланма.

Тошкент -. 1993

Ўқув қўлланмасида трактор трансмиссиясида фойдаланиши мумкин бўлган гидравлик юритмалар, уларни ташкил этувчи восьсталар, ишлаш йўли, гидроҳажми (гидростатик) ва гидродинамик узатмалар тўғрисида атрофлича маълумотлар келтирилган. Гидроҳажми юритмани ташкил этувчи насослар ва моторлар, уларниг трактор трансмиссияси сифатида ишлатилиши мумкин бўлган схемалари ва тузилари, гидродинамик узатмалар, яъни гидромуфталар, гидротрансформаторлар, мураккаб гидротрансформаторлар, гидромеханик узатмалар ва уларниг трактор трансмиссиясида ишлатилиши мумкин бўлган схемалари ва тузилмалари тўғрисида фикр юритилган.

Ўқув қўлланмаси олий ўқув юртларининг тракторсозлик ихтинослигидан таълим оловчи талабаларни учун мўлжалланган бўлиб, уйдан барча мухандис-мутахассислар хам фойдаланишилари мумкин.

УКД 629. 114.2001. 2/075.8/

Мастер юхарори: Т.Ф.И. проф Садритдинов А.С.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги төмонидан ўқув қўлланмаси сифатида тасдиқланган.

Тақризчилар: Тошкент трактор заводи чизмакашлик шўйбасининг бошлиқ музенини, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтироочи ва рационализатор А. Е. ҲАҚИМЖОНОВ ва ТИИМСХ "Автомобиллар ва тракторлар" кафедрасининг доцентлари М. ХОЖНЕВ ва Б. С. СЕРКИБОЕВлар.

II қисм. ГИДРОДИНАМИК (ГИДРОЗАРБИЙ) УЗАТМАЛАР

Юқорида айтилғандек гидрозарбий узатмаларда бир валдан иккинчи валга ҳаракат узатиш учун гир айланытган суюқлик оқимининг босимидан фойдаланилади. Гидрозарбий узатмада етакловчи ғилдирак, яъни насос ғилдираги сифатида парракли (куракчали) ғилдирак хизмат қилиб, у уни ҳаракатга келтирувчи механик энергияли қувват оқимини суюқликнинг гир айланытган оқим қувватига (босимли оқимга) айлантиради. Насос ғилдираги парракчаларидан маълум қувват билан отилиб чиқаётган суюқлик оқими, ушбу ғилдирак ёнида турган худди насосли ғилдиракка ўхшашиб парракли ғилдиракни айлантиради. Мана шу жара ёнда суюқлик энергияси қўшни турган ғилдирак валини айлантирувчи механик энергияга айланади. Одатда кейинги парракли ғилдиракни турбинали ғилдирак деб юритилади. Гидрозарбий узатмаларда узатилаётган моментнинг узатилиши ишчи суюқлик оқимида (ҳаракатида) содир бўладиган миқдорий ўзгаришларга асосланган. Гидрозарбий узатмалар икки хил узатмаларга, яъни гидромуфта ва гидротрансформаторларга бўлинади. Узатилаётган моментни миқдор томонидан катталаштирадиган гидроузатмаларни гидрозарбийтрансформаторлар деб, узатилаётган моментни ўзгартирмасдан узатадиган гидроузатмани гидрозарбий муфта деб аталади.


§2.1. ГИДРОДИНАМИК (ГИДРОЗАРБИЙ) МУФТАЛАР. ТУЗИЛИШИ ВА ИШЛАШ УСЛУБИ

Соддагина гидрозарбий муфта (25-расм) иккита-гина ишчи фидирак-насосли ва турбинали фидираклар (парракчалар)дан ташкил топган бўлиб, охирги фидирак насосли фидирак билан бириккан филоф 2 билан ўралган. Бунда насосли фидирак 2 етакловчи вал 1 га, турбинали фидирак 4 эса етакловчи вал 5 га ўрнатилган. Фидираклар бўшлиғига қўйилган суюқлик оқиб, сизиб кетмаслиги учун вал 5 билан филоф 2 нинг гупчаги оралиғига зичлама б ўтказилган.

Гидрозарбий муфтанинг ишчи фидираклари ичи бўш юмaloқ бутун ҳалқанинг кўндаланг кесими ёки симметрия ўқи бўйича қоқ ярмидан қирқилган ярим ҳалқасимон фидираклардир. Ярим ҳалқасимон фидиракларни ички бўшлиқларига юпқа металдан ясалган куракчалар радиал ёки эгри йўн лищда пайвандланган ёки кавшарланган. Ҳар бир ярим ҳалқасимон фидиракнинг ички марказий бўшлиғи дискли гупчак билан беркитилган. Тўгин ичидаги ёки бўшлиғидаги қўшни куракчалар ён юзалари ва тўгиннинг ички юзалари билан чегараланган икки қўшни ярим фидираклар тўгинидаги каналчалар (коваклар) йигиндисини фидиракларнинг ишчи бўшлиғи деб аталган. Қўшни куракчалар орасидаги каналлар ушбу тўгинда оқаётган суюқлик йигноқлигини ва йўналишини яхшилаш учун хизмат қиласди.

Гидромуфтанинг айланиш меҳваридан ўтказилган текислик унинг ишчи бўшлиғини кесиб ўтади.

Мана шу ишчи бўшлиқ кесимини, ишчи бўшлиқнинг меридионал кесими деб аталади. Гидромонитордаги насосли гидравлик ички ёнар двигатели валидан ҳаракат олиб айланганда, у ўзининг ишчи ковакларида турган суюқлик заррачаларига марказдан қочирма куч ато этади.



25-расм. Гидродинамик (зарбн) муфталарнинг рамзий тасвирлари:
а-тезликлар плани (рэжис); б-меридионал куракчаларниң йўналишига қараб тўғри ва этри куракчалиги; в-меридионал кесимнида ҳаракасимни шир деворларни; г-суюқлик салловчи А, бўшлиқларни; 1-стакловчи вал; 2-насосли гидравлик; 3-қобиқ; 4-турбина гидравлик; 5-стакланувчи вал; 6-шундама.

Бунда ишчи бўшлиқда турган суюқлик заррачалари ишчи бўшлиқ марказидан гидравлик ички ишчи бўшлигини ички чекка юзалари томон

ҳаракатда бўлиб, ўзида потенциал энергияні ҳосил қиласи, ва насос фидираги ишчи бўшлиқлари тугаган доирасидан энг катта босим билан чиқиб турбинали фидирак томон йўналга бўлади.

Суюқлик оқими турбинали фидирак куракчалари ораси ва шу фидирак бўшлиқлари ички туби билан чегараланган ишчи ковакка (бўшлиққа ёки каналчага) кириб, куракча ва бўшлиқнинг бошқа юзаларига урилади, ва ўз қувватини шу фидиракни ҳаракатга келтириш ёки айлантириш учун сарф қиласи. Бунда суюқликдаги потенциал ва кинетик энергия турбинали фидиракни айлантирувчи меканик энергияга айланади. Турбинали фидиракни ишчи бўшлиқларида ўз қувватини батамом йўқотган ёки бўлмаса жуда ҳам озгина қолдиқ қувватга эга бўлган суюқлик ушбу фидирак куракчалари орасидан оқиб ўтиб, насосли фидирак ишчи бўшлиқларига келиб туша бошлайди. Шунда айланадиган насосли фидирак ишчи бўшлиқларидаги куракчалари суюқликни хўплад ва илиб олиб (чунки куракчанинг пастки доирасида ҳавонинг сийраклашиши ҳодисаси содир бўлади) юқорида таърифлангандек, суюқликка потенциал, кинетик энергия ато этади. Ушбу ҳодисани ишчи бўшлиқда жойлашган суюқлик заррачаларида ҳар доим такрорланавериши муфтанинг қувват ёки буровчи момент узатиши билан чамбарчас боғланган бўлади.

Насосли фидирак айланадиган вақтда унинг ишчи ковакларида турган ишчи суюқликнинг ҳар бир заррачаси икки хил ҳаракатда иштирок этади. Булардан бири суюқлик заррачасининг нисбий

іракати, яъни суюқликнинг куракчалар юзаси йўлаб ҳаракати бўлса, иккинчиси ушбу заррачанинг кўчирма, яъни суюқликнинг куракчалар билан бирга ҳаракатидир.

Насосли фиддиракдан турбинали фиддиракка йўналаётган суюқлик оқимининг нисбий тезлиги $W_{нт}$ ва унинг йўналиши тажминан насосли фиддирак ишчи бўшлиқлари ва куракчалар юзалирининг ташки кўринишига ўхшашидир.

Суюқликнинг нисбий тезлиги гидрозарбий муфтанинг габарит ўлчамларига ва унинг ишлаш тартибиға боғлиқ. Муфтанинг ҳар қандай шарт ва шароитда ишлашидан қатъий назар унинг куракчалари оралиғидан оқиб ўтаётган суюқликнинг тезлиги шу куракчалар оралиғи каналининг кўндаланг кесими S (см^3) нинг миқдоридан ва шу куракчалар оралиғи каналидан оқаётган суюқлик оқимини узлуксиз ҳаракатидан аниқланади:

$$W_{нт} = \frac{Q}{S}, \text{ см/с},$$

бу ерда Q -кўндаланг кесими S бўлган каналдан оқаётган суюқликнинг сарфи, л/дақ.

Суюқлик заррачаларидаги кўчирма тезлик шу заррачанинг вал межварига нисбатан қандай масофада туришига боғлиқ бўлиб, ушбу масофанинг, яъни радиус "r"нинг ўзгариши билан бу тезлик ҳам ўзгарамади. Натижада ишчи бўшлиқни меридиан кесимидағи ҳар бир суюқлик заррачаси U_m - мутлақ тезликда (25-расм, а) айланәётган гирдобли халқача бўйлаб ҳаракатда бўлади

Насос фиддирагининг узлуксиз ишлаши жараёнида унинг куракчалари оралиғидаги каналдан оқиб

чиқаётган суюқликнинг тезлиги ва оқими (босими) борган сари ошиб, гилдиракнинг ишчи бўшлиқларида суюқликнинг узлуксиз айланиши учун керакли бўлган шарт-шаронг яратилади. Шундай қилиб, насосли гилдиракдан ихчам бўлиб оқиб чиқаётган суюқлик турбинали гилдирак куракчалари ва унинг ички, чекка ишчи юзаларига урилиб, сўнг марказ томон бурилиб, гир айланиб гирдобли халқасимон йўналишдаги ҳаракатда бўлиб турбинали гилдиракни мажбурий равишда айлантира бошлиди. Агар гидромуфта ишлаши жараёнида насосли ω_n (p/c^2) ва турбинали ω_t (p/c^2) гилдиракларини бурчак тезликлари teng бўлиб қолса, бунда иккита гилдиракнинг бир хил айланишидан уларда ҳосил бўлган марказдан қочирма кучлар бир-бирини мувозанатлаштириб, гидрозарбий муфтада суюқликни гир айланишдан маҳрум қиласи. Бу холат гидромуфтанинг тақа-тақ тўхтавча олиб келади. Шундай қилиб, гидромуфтани ишчи бўшлиғи меридиан кесмасида ишчи суюқлини шиддат билан гир айланишини таъминлаш учун гилдиракларнинг айланиш тезлиги ҳар хил бўлиши ва бунда ушбу шартнинг ω_n , ω_t бажарилиши, муфтанинг нормал иши таъминланишини асосий белгиларидан биридир.

Гидромуфта ишлаган жараёнда насос гилдирагининг бурчак тезлиги ω_n , турбинали гилдиракнинг бурчак тезлиги ω_t -дан катта бўлиши керак. Бу дегани гидромуфта ишлаганда турбинали гилдирак насосли гилдиракка нисбатан камроқ айланиб, улар бир-бирига нисбатан силжиб-сирғалиб ишлаши кераклигини ва бу холат муфта ишлаши учун қонуний шарт жанлигини билдира-

ди. Агар гидромуфта тракторга ўрнатаилган бўлса, гидромуфтали тракторнинг ўрнидан қўзғалиши, на-сосли фидирак ω и нинг шиддатли айланиши, турбинали фидирак ω т нинг дастлабки айланиши амалий томондан полга тенг бўлиши ва борган сари ω билан ω орасидаги тафовутнинг камайиши билан кечишини кўришимиз мумкин. Трактор ўрнидан қўзғалаётганда муфта фидиракларининг бир-бирига нисбатан силжиши каттадир. Тракторнинг барқарор ҳаракатида фидиракларнинг бир-бирига нисбатан силжиши (еки шатаксираб сирпаниши) 2-4 бўлиши мақсадга мувофиқдир. Мана шу ҳолат гидромуфталар ишини таъминловчи қонуний ҳолат бўлиб, бу муфтанинг ҳақиқий шароитда амалий ишини таъминлайди.

§2.2. ГИДРОДИНАМИК МУФТАЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ, КАМЧИЛИКЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТЎҒРИСИДА БАЪЗИ БИР МАЗЛУМОТЛАР

Гидродинамик муфталар ишқаланма тармашини муфталарига нисбатан қўйидаги афзалликларга эга.

1. Тракторнинг амалий ишида юкланиш тартиби кескин ўзгарганда, шу ўзгариш натижасида трансмиссия ва двигателга таъсири этувчи зарбий кучлар таъсирининг сезиларли даражада камайиши. Бу ҳолат бутун трансмиссия тузилмасини узоқ вақт ишончли ишланини таъминлайди. Олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тракторларда гидрозарбий муфтани қўллаш улар трансмиссиясидаги зарбий юклар таъсирини, масалан, трактор қатъий равишда ўрнидан қўзғалганда

- 1.5 дан 4,5 мартагача, трактор тезлашганда - 1 мартагача, трактор нотекис ерларда ишлаганда - 2-3 маротаба камайтирган;

2. Етакловчи ва етакланувчи бўлакларни (валларни) бир-бирига нисбатан узоқ вақт силжиб (шаксираб) ишлаши;

3. Муфталардан фойдаланишда ва ишлатиш даврида уларда умуман созлашга талаб йўқлиги, ва муфта ишлаганда уларнинг ишчи деталлари умуман едирилмаслиги;

4. Машина бошқарилишининг анчагина енгиллашуви;

5. Трактор агрегати ўтувчанинг ошиши. Гидрозарбий муфталар юқорида айтилган афзаликларга эга бўла туриб, камчиликлардан ҳам холи эмас. Муфтани ишни узганда, унда тўлиқ ва тоза узилишнинг ҳосил бўлмаслиги шундай камчиликлардан бўриб. Тўлиқ узилишнинг ҳосил бўлмаслини трактор агрегатининг бир оз олға томон силжишига олиб келади. Бу ҳолат трактор трансмиссиясидаги узатмаларни ишга солишда қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари, муфта нинг иккинчи камчилиги бор. У ҳам бўлса, тракторнинг барқарор ҳаракатида муфтадаги етакланувчи қисмнинг етакловчи қисмига нисбатан 2-4 фоиз сирғалиб (силжиб) камроқ айланишидир. Бу эса трактор агрегатининг энг фойдали иш тартибida ишлаган ҳолатида унинг иш унумдорлигини 2-4 % га камайшига ва тежамкорлигининг пасайиншига олиб келади.

Гидродинамик муфталарга хос бўлган камчиликлар қуйидаги усуллар билан бартараф этилади. Масалан, гидродинамик муфталарни ишдан узишда

уларнинг тўлиқ ва тоза узилишни таъминлаш мақсадида икки гуруҳдаги тадбирлар амалга оширилган: биринчи гуруҳ тадбирлари, муғта учун керак бўлган тўлиқ узилишни таъминалашга, иккинчи гуруҳ тадбирлари эса муфтадаги тўлиқ узилишни қисман таъминлашга қаратилгандир.

Агар трактор трансмиссияси валлари қўзгалас сўнг погонали меканик узатиш қутисига эга бўлиб, бу системани ҳаракатга келтирувчи муфта сифатида гидрозарбий муфга қўлланилган бўлса, у ҳолда охирги муфтани бошқаришда, унинг тўлиқ узилишини таъминлаш мақсадида биринчи гуруҳдаги тадбир сифатида гидрозарбий муфтанинг олд ёки орқа қисмига соддагина ишқаланма тармиши муфтаси қўйилади.

Гидромуфталарнинг тўлиқ узилишини қисман яхшилашга қаратилган II гуруҳ тадбирларига, мисол тариқасида муфтанинг ишчи бўшлиги меридиан кесимида насос фидирагига ўрнатилган халқасимон пардевор 7 ни (25-расм, в) кўрсатиш мумкин. Худди шу мақсадларни кўзлаб насосли ва турбинали фидирак куракчалари ҳар хил узунликда бажарилиши ва ниҳоят турбинали фидирак куракчалари тагида махсус суюқлик йигилувчи халқасимон ўйик-бўшлиқ "A", (25-расм, г) кўзда тутилган бўлиши мумкин. Гидрозарбий муфта ишдан узилганда турбинали фидиракдан ўз қувватини йўқотиб оқиб чиқаётган суюқлик оқими насос фидирагидаги пардевор 7 га урилиб оқимдаги уюрма ҳаракатни бир оз сўндиради. Бироқ гидромуфтани барқарор иш тартибида, унинг ишчи ковакларида гир айланадиган суюқлик оқимининг гирдобли (уюрма) ҳаракати таҳминан 25-расм, в,

г да кўрсатилган кўринишга эга бўлиб, бунда суюқлик оқимининг гирдобли ҳаракатига пардевор 7 нинг таъсири умуман кам бўлади. 25-расм в, г да суюқлик гирдобининг кўндаланг юзаси ингичка чизиқ билан қораланган (штрихланган) ҳолда кўрсатилган.

Шаклдан кўриниб турибдики, насосли ғилдирак энг юқори тезликда айланганда ундаги суюқлик оқимининг марказдан қочирма кучи кўлами катта-роқ бўлганлиги сабабли гир айланаётган суюқлик гирдоби ғилдирак меридиан кесимидағи ишчи қо-вакнинг энг чекка доираларига яқин юзадан ўтади. Бунда насос ғилдирагининг паст қисмига ўрнатилган ҳалқасимон пардевор суюқликнинг гир айланишига умуман тўсқинлик кўрсатмайди. Дви-гатель валининг айланиш частотаси камайиб, иш-чи бўшлиқдаги суюқлик заррачаларидағи марказ-дан қочирма куч сусайиб ва гир айланаётган суюқлик оқимининг уюрма ҳаракати камайиб, оқим меридиан кесимнинг марказидан узокроқ бўлган доирадан ўта бошлайди. Шунда гир айла-наётган суюқлик оқими пардевор 7 га дуч келиб урилиб, суюқлик оқими ўзида "сақланиб" қолган қувват ёки момент шаштини йўқотади. Натижада турбинали ғилдиракни ҳаракатга келтирувчи суюқликдаги "қолган" ёки "ортиқча" момент ўз шаштини йўқотиб, трактор тўхташи учун зарур бўлган муфтанинг тўлиқ узилишини таъминлайди.

Турбинали ғилдирак куракчалари тагидаги ҳалқасимон бўшлиқ А, нинг гидромуфта ишига таъсири қуидагича кечади.

Муфтанинг айланиш частотаси пасайганда, унда гир айланаётган суюқлик оқимининг қуввати ка-

майиб, турбина ғилдираги тағидаги бўшлиқ ۸, ۱۰ (25-расм, г) ўзининг сирлиги туфайли йигила бошлайди ва шунда ишчи бўшлиқда гир айланадаётган суюқлик миқдори кескин камаяди. Бу эса муфтанинг тўлиқ узилишига имконият яратади.

Шуни айтиш керакки, гидрозарбий муфталарни лойиҳалашда, уларнинг ишини яхшилашда хизмат қиласидан юқорида номлари келтирилган тадбирларни қўллаш, муфта учун энг зарур бўлган хусусият тўлиқ-тоза узилишни таъминлай олмайди. Мана шу сабабли муфтани суюқлик гирдобидаги "қолган" момент (қувват) трансмиссияни етаклайверади. Гидрозарбий муфталарнинг мана шу камчиликларни йўқотиш ва ҳамда ушбу муфталар иштирок этган тракторнинг иқтисодий кўрсаткичлари ва иш унумдорлигини ошириш учун, трансмиссияга қўш муфта ўрнатиш ёки трансмиссиядаги "гидрозарбий" муфга ни муҳосаралаш, яъни ишини тўсиш ёки узиш усулидан фойдаланилади.

Мураккаб қўш гидрозарбий ва тармасиши муфталарига эга бўлган тракторларда тармасиши муфталаридан узатиш қутисидаги узатмаларни ишга солишда фойдаланилади. Бундан ташқари ушбу муфтадан тракторни саноат (транспорт) ишларида фойдаланилганда ҳам ишлатилади. Тракторнинг амалий иш шароитлари ишида асосан гидрозарбий муфтадан фойдаланилади. Бироқ қўш тармасиши ва гидрозарбий муфтали трансмиссия ўзига ўхшаган соддароқ фақат биргина гидрозарбий муфтали трансмиссиядан ўзининг мураккаблиги ва вазнлилиги билан ажралиб туради.

Гидрозарбий муфтадаги етакловчи ва етаклану-

чи сөлларин бир-бирини түғридан-түғри ишқаланиши муфтаси билан боғлаш зарбий муфтага алоқадор бўлган камчилик, яъни етакланувчи вални ғоне фенз камроқ айланиши билан боғлиқ бўлган камчилиги йўқотишга имконият яратади. Гидрозарбий муфталар шини яхшилашда, шу муфтага ўринатилган муҳосара қурилмаларидан фойдаланиш мумкин. Гидромуфтани муҳосаралаш иккимизни, яъни мажбурий ёки автоматик усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Гидромуфталарда муҳосара қурилмаси сифатида юқорида тарьиғланган ишқаланма тармасиши муфталаридан ва бошқа кўринишдаги механизмлардан фойдаланилади. Агар трансмиссияда гидрозарбий муфтадан сўнг планетар (сайёравий) қаторли узатма ўринатилган бўлса, у ҳолда сайёравий қатор бўлакларидағи муҳосараловчи қурилмалар, ишқаланма тармасини муфтаси воситасини бажариши мумкин.

Маълумки, агар сайёравий қаторни бирон бир элементни муҳосаралаш қурилмасига эга бўлса, ушбу қурилманинг ишга солиниши, сайёравий қатор тишли гилдираклари томонидан узатилаётган моментни узатишдан тўхтатади. Сайёравий узатмалардаги ушбу фазилат уларининг гидрозарбий муфталар билан ишлашими жуда ҳам енгиллаштириб юборади.

Муфтанинг ишлашми жараённада ишчи гилдирак куракчаларида зириллаш (тебраниш) ва резонанс ҳодисалари рўй берниши мумкин. Мана шу зириллашнинг олди насосли ва турбинали гилдиракдаги куракчалар сонини ҳар ҳил қилиш билан олинади. Бундан ташқари муфта ишлаетганда ишчи


ўшлиқда жойлашган суюқлик қизиб, унинг ҳажми кенгаяди. Бу эса гидромуфтадаги зичлагичарниң зўриқиб ишилашига ва улардан мойни ҳәм ҳәм, сизиб чиқишига олиб келади. Мана шу камчиликларни йўқотиш учун муфтадаги ишли бўшлиқ тахминан 9/10 ҳажмда мой билан тўлдирилади.

Юқорида таъкидланганидек, гидромуфта гидриакларини бир-бирига нисбатан силжисирғалиб ёки шатаксираб ишилаши, уларниң эн ажойиб хусусиятларидан бўлиб, бу эса тракторни жуда ҳам осоийшталик, сокинлик билан ўринидан қўзғалишини, иш жараёнида учраётган қаршиликларни майингниа енгишини таъминлайди. Хулоса қилиб айтганда, агар тракторниң иш тартиби ту-бандаги шароитларда, яъни ҳар доим ўзгариб турдиган юкланишлар таъсирида бўлганда, ўз йўналишини бод-бод ўзгартириш талаб этилганда, кескин равишда ўзгар-аётган қаршиликлар таъсирида бир узатмадан иккинчи узатмага ўтиш талаб этилган ҳолларда трансмиссияда гидромуфталарни қўллаш анча наф берар экан.

§2.3. ГИДРОЗАРБИЙ (ГИДРОДИНАМИК) МУФТАЛАРНИНГ ЗОҲИРИЙ ИШ ТАВСИФИ, МУФТАНИ ЛОЙИХАЛАШДАГИ УСУЛ ВА КОИДА

Гидрозарбий муфталарда буровчи моментни узатиш билан боғлиқ бўлган ҳодисалар, уларниң зоҳирий иш характеристикасини (тавсифини) қуриш билан баҳоланади. Гидромуфта поғонасиз ва автоматик узатма бўлиб, унинг иши фақат

фойдали иш коэффициенти билан аниқланмасдан, балки тескари боғланиш тавсифи билан, яъни муфтанинг маълум бир иш тартибида ишлаганда, уни ушбу иш тартибига мос равища юкни ўзгартириб узатиш хусусияти билан баҳоланиши (аниқланиши) мумкин. Муфтанинг ушбу хусусиятини қандай тушуниш керак, деган савол туғилади. Гидрозарбий муфта билан жиҳозланган трактор бир хил шароитда ва бир тартибида ишлаганда, унга ташқи томондан таъсир этадиган юк ёки қаршилик муфтада маълум бир юк ўзгаришини юзага келтиради. Одатда муфта ушбу юк ўзгаришларини ўзича бартараф қилиш ва унга мос равища юкни ўзгартириб узатиш хусусиятига эгадир. Муфтанинг мана шу хусусиятларини (тавсифини) унинг юкланувчанлик тавсифи ёки бақувватлиги ўзгаришини кўрсатувчи тавсифи деб юритиши қабул қилинган (26-расм).



26-расм. Гидромуфтанинг зоҳирий (ташқи) иш тавсифи.

Мана шу юқорида айтилган икки миқдорнинг ўзгариш тавсифи, муфтанинг қандай хусусиятга эга эканлиги тўғрисида тўлиқ ва аниқ тасаввур бериб туради.

Тавсифларни "ўлчамсиз қимматларда" деб аталган кўринишда ифодалаш қулай бўлиб, бу гидродинамик муфталарнинг солиширма кўрсаткичлари орасидаги муносабатни унинг мутлақ ўлчамлари ва етакловчи валнинг айланиш сонига нисбатан боғлиқ эмаслигини кўрсатади.

Ўлчамсиз тавсиф муфтанинг кинематик узатишлар нисбатини функцияси бўйича қурилади, бунда узатишлар нисбати ўз навбатида етакланувчи валнинг айланиш частотаси n_t дақ- ни етакловчи вални айланиш частотаси n_h дақ- нинг нисбатига тенгдир:

$$U = \frac{n_t}{n_h}$$

Муфтанинг иши яна бир солиширма кўрсаткич, яъни унинг кинематик иш тартибини изоҳловчи "муфтадаги шатаксираш ёки сирпаниш S " билан ифодаланади. Сирпаниш етакланувчи валнинг етакловчи вал айланиш частотасига қараганда неча фоиз камроқ айланаётганини кўрсатиб, қуйидаги формуладан аниқланиши мумкин:

$$S = \frac{n_h - n_t}{n_h} \cdot 100, \%$$

бу ердаги n_h/n_t нисбатни U эканлигини зътиборга олиб, юқоридаги формулани қуйидаги кўринишда ёзищимиз мумкин:

$$S = (1 - U) \cdot 100, \%$$

Муфтанинг солиширма кўрсаткичи η қуйидаги йўл билан аниқланади. Исталган узатманинг ФИКи $\eta = M_2/M_1 \times n_2/n_1 = \hat{U}/U$ ни назарда тутиб ва биз қарабётган гидрозарбий муфтада $M_2 \approx M_1$ га тенглигини била туриб, нисбат

$$M_2/M_1 = \hat{U} = 1$$

деб ёзишимиз мумкин. (Бунда турбинали гидриакчиг наосли гидриакка нисбатан 2-4 фонз орқага долиб айланиши инобатга олинмайди).

Шундай қолиб, гидромуфтанинг тўлиқ ФИКи $\eta = \frac{P_e - P_T}{P_h} \cdot 100\%$ га тенгдир. η ни S билан боғлаймиз, у колди:

$$S = \frac{P_e - P_T}{P_h} = 1 - \frac{P_T}{P_h} = 1 - \frac{1}{u} = 1 - \eta \quad \text{га тенгдир.}$$

Бу ерда $\eta = 1 - S$ дир.

Муфтанинг диққатга сазовор солиштирма кўрсаткичларидан бири муфта томонидан узатилаётган моментдир. Насосли ва турбинали гидриак томонидан узатилаётган момент

$$M = \rho \cdot \lambda \cdot D^5 g, \text{Н}\cdot\text{м},$$

бу ерда ρ - ишни суюқликнинг зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$; λ - мутансиблик ёки момент коэффициенти, ($\text{дақ}^2/\text{м.айл}$); D -гидриакларнинг фаоллик диаметри, м (ишни бўшлиқнинг энг катта ёки суюқлик билан намланадиган энг катта диаметри).

Шу тариқа нисбат $\frac{P_e}{P_h}$ нинг ўзгаришига (функцияси) қараб, гидрозарбий муфта узатаетган момент, M ни, унинг тўлиқ ФИКи η ни ва шатаксираш (силжиш) S ларини ўзгариш хусусиятларини кўрсатувчи номограммаси муфтанинг зоҳирий иш тавсифи деб аталади. Тавсиф тузилишини содалаштириш мақсадида, ушбу боғлиқларни ҳисоблашда насосли гидриак валини айланиш чистотаси ўзгармас қийматига эга (яъни $P_e = \text{const}$) деб қабул қилинган.

Гидромуфтанинг зоҳирий иш тавсифини таҳлил қилиб қуйидагича холосани чиқариш мумкин: 1.

ФИК "η" нинг қиммати ҳеч қачон бирга тенг бўлмайди. Агар муфтанинг амалий ишида часосли ва турбинали филдиракларнинг айланиш частотаси бир-бирига тенг бўлса, у ҳолда муфта ишдан тўхтайди. Ушбу ҳодисанинг ўтишида ФИК "η" нолдан ўзининг энг катта қиймати $\eta_{\max} = 0,97$ га-ча кўтарилиб, сўнг нисбат $n_t / n_u = 1$ га тенглашганда η кескин камайиб 0 га яқинлашади. ФИКни "u"га нисбатан ўзгариши чизиқли тавсифга эга.

2. n_t , n_u лар бир-бирига нисбатан энг катта фарқда (тафовутда) ишлаганда ёки $n_t = 0$ да, турбинали филдиракнинг орқада қолиб айланиши жуда ҳам юқори бўлиб, "сирпаниш" "S" тахминан 100% га етиб боради. Бунда турбинали филдиракдаги Mt, моменти (турбинали филдирак ҳаракатга келмаган бўлса-да, у катта момент таъсири остида бўлади) энг каттадир.

Гидрозарбий муфталарни лойиҳалашда, уларни ишлатиб-фодаланишда ўзи энг яхши натижалар кўрсатган муфталарга ўхшатиб ясаш усули кенг тарқалган. Бунёд қилиниши керак бўлган муфтани ясашда дастлаб ишлайвериб-ишлайвериб ўзини энг яхши хусусиятларини намоён этган муфталардан бирига асос муфта деб қарааш қабул қилинган.

Гидрозарбий муфталарни лойиҳалашда, улар ишланмаларини вуҷудга келтиришда, назарий ва амалий томондан етарли даражада ишлаб чиқилган ва ишда синалган асос муфтани, одатда тимсол тузилма деб қарааш қабул қилинган ва ясалиши керак бўлган муфтани тимсол муфтага ўхлатиб ясаш одат тусига кириб қолган.

Юқорида айтилган мулоҳазалардан келиб чиқиб,

яасалиб яратилаётган муфтанинг ҳисоб-китобини бошлашдан олдин унинг тимсол тузилмасини танлаш ва учи қабул қилиш зарур экан. Тимсол тузилмани танлашда лойиҳаланаётган муфта намунасида кечиши мумкин бўлган иш жараёнларини, унинг тимсол тузилмасида кечеётган иш жараёнлари билан солиштириб таққослаш ва улардаги иш шароитларини бир тоифадалигига ва ишлатиш учун танланган суюқлик зичлигини намуна ва тимсол тузилмаларида бир хиллигига эришиш катта аҳамиятга эга. Мана шу тахлитда, ўхшаган муфта ясалади ва бунёд қилинади. Муфтани лойиҳалашда ўхшашиблик қонуниятидан фойдаланиш қуидагиларга асосланган: агар муфтадаги сирпаниш "S" ва ишчи суюқликнинг зичлиги " φ " лойиҳаланаётган ва тимсол тузилмаларида бир хил бўлса, у ҳолда улар моментларидаги мутаносиблик коэффициентлари " λ " ҳам тенг бўлиши керак.

Гидромуфталарни лойиҳалашда қуидаги тартибдан фойдаланиш тавсия этилган:


1. Тимсол деб қабул қилинган гидрозарбий муфтани синашда олинган маълумотлар асосида " $\varphi \lambda$ " нинг S-сирпанишга нисбатан ўзгаришини кўрсатувчи график чизилади. (Кўпайтмадаги "T" ҳарфи ёки, λ нинг ўнг пастки томонидаги кўрсаткич тимсол конструкцияга тааллуқлигини кўрсатади). Кўпайтма $\varphi \lambda$ нинг мутлақ қийматлари жуда ҳам кичик сон бўлиб чиқишини кўзда тутиб, ундан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида $\varphi \lambda_t$ ни 10^4 ва 10^5 га кўпайтирилади. Микдор λ_t нинг ўзгариш хусусиятлари ишчи бўшлиқнинг меридиан кесими кўринишига ва унинг геометрик ўлчамлари

ва бошқа омилларга бөглиқдир. Буни момент-формуласи асосида қуйидагича ёзиш мүмкін:

$$g \lambda_t = M_t / g (\eta_{ut}^2 D_t^5) = f(S).$$

Тимсол муфтасининг "ўлчамсиз тавсифини" кўришда унинг параметрлари маълум деб фараз қилинади, ҳисоб-китобни осонлаштириш учун унинг параметрлари 10^4 га кўпайтирилади ва қуриладиган график миқёси катталаштирилади.

2. Муфтанинг ўртача иш тартибида сирпаниш S ни ўртача миқдори 3% атрофида деб қабул қилиб, тимсол муфтанинг ўлчамсиз тавсифидан (27-расмб а), коэффициент $g \lambda_t \cdot 10^4$ ни S нинг шу миқдорига хос қиймати аниқланади.



27-расм. Гидромуфтанни лойихалашда фойдаланадиган бөглиқнеклар:

$$a - g \lambda_t \cdot 10^4 = f(S); \quad b - \lambda = f(D)$$

Гидромуфталарни ҳисоб-китоб қилишда ўхшатиб ясаш усулинин фаол диаметри $D = 500$ мм бўлган тимсол муфталарда қўллаш қониқарли натижалар бермоқда. Аммо тракторда ишлатиладиган муфталарнинг диаметри 500 мм дан кичик, шунинг учун параметри кичик бўлган муфталарни ҳисоблашда мўлжалланган натижаларга эришиш

қийин. Шунинг учун ҳисоб-китобларда мұлжалланған мақсадларға эришиш учун 27-расм б да келтирилған графикдан $\rho \cdot \lambda$, коэффициентини танлаб, унга тегишли тузатишлар киритилади. Бунда тимсол муфтанинг фаол диаметрига мос келған коэффициент қийматини лойиҳаланаётган муфта диаметри учун 100 фоиз түғри келади деб қабул қилинади.

Шундай қилиб, $\rho \cdot \lambda \cdot 10^4$ ни, топилған $\rho \cdot \lambda \cdot 10^4$ га тенглаشتариб ва янги топилған коэффициент қийматини момент-формуласига қўйиб, лойиҳаланаётган гидромуфтанинг фаол диаметрини аниқлашимиз мумкин:

$$D = \sqrt{\frac{M \cdot 10^4}{\rho \cdot \lambda \cdot 10^4 \cdot \pi^2 \cdot d}}, \text{м.}$$

3. Топилған фаол диаметрдан фойдаланиб, тимсол муфтани меридиан кесимига мутаносиб развишда лойиҳаланаётган муфтанинг меридиан кесмаси чизилади.


Ушбуни ҳосыл қилишда 28-расмда келтирилған муфтанинг ўлчамларини унинг фаол диаметри улушлари билан ифодаланған мунисабатларидан топиш ва ундан фойдаланиш тавсия этилган.

Гидродинамик муфталарни лойиҳалашда юқорида келтирилған ўхшатиб ясаш усулидан ташқари, бошқа усулларга асосланған таңлаш усуллари ҳам бор.


Машинасозлик саноатида ишлатиладиган нормал гидрозарбий муфталар фаол диаметрини махсус графикдан фойдаланиб таңлаш мумкин. Ушбу график С.П.Стесин ва Е.А..Яковенко томонидан тақдим этилган бўлиб, бунда лойиҳаланаётган муфтанинг фаол диаметри "D" шу муфта валида-

ги қувват ва унинг айланиш частотаси "n" га қараб танлашга мўлжалланган. Танланадиган муфталинг диаметри:

$D = f(n \times N)$ функцияси асосида 29-расмда келтирилган диаграммадан (номограммадан) танланади.



28-расм. Гидромуфтыннинг мутаносиб ўлчамлари.



29-расм. Ўхшатиб ясаш усули асосида ҳисобий номограммадан гидромуфталарни танлаш.


Берилган валнинг қуввати "N" ва айланиш частотси "n" дан фойдаланиб, 29-расмда "A" нуқтаси топилади ва шу нуқтага мос келган муфтанинг диаметри асосида маҳсус маълумотномалардан ушбу муфтанинг бутун парметрлари ва ўлчамлари танланади. Агар лойиҳалаш жараёнида лойиҳа қоғозида (техник топшириқда) кўрсатилган гидромуфта тузилмаси ва тавсифини маълумотномалардан танлашнинг иложи бўлмаса, у ҳолда мўлжалланган муфтани танлаш учун қўйидаги ишларни бажариш мақсадга мувофиқ деб топилган:

1. Мўлжалланган гидромуфтанинг гидравликавий ҳисоб-китобини бажариб, унинг лойиҳасини чизиш.
2. Лойиҳа асосида гидромуфта тузилмасини (моделини) металда ясаш ва уни ҳар томонлама синовдан ўтказиш.
3. Лойиҳаланган гидромуфта намунасини меъерига етказиш ва бунда керак бўладиган ҳисобий коэффициентлар миқдорига равшанлик киритиш мақсадида синовда олинган маълумотларни таҳлил қилиш.
4. Ҳисобларга аниқлик киритиш мақсадида ҳисоб-китобни такроран ўтказиш, лойиҳа тажриба намунасини янгитдан лойиҳалаб ясаш ва муфтани назорат синовидан ўтказиш.

§2.4. ГИДРОЗАРБИЙ (ГИДРОДИНАМИК) УЗАТМАЛАР ТУЗИЛМАСИННИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ ТУЗИЛМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи марта бунёд этилган гидрозарбий узат-

манинг умумий қиёфаси 30-расмда келтирилган бўлиб, бунда насос ва мотор қувурлар орқали боғланган.




30-расм. Гидрозарбий узатманинг энг биринчи нусхаси: 1,5 суюқлик ўказадиган қувурлар; 2-етакловчи вал, 3-насос (бунда 3-насоси насос вазифасини, 6-насоси эса турбина вазифасини бажарган); 4 и - насосни йўналтирувчи аппарат (реактор); 4 т - турбинани йўналтирувчи аппарат (реактор).

Етакловчи вал 2 га ўринатилган насос 3 вал 2 дан ҳаракат олиб, ишчи суюқликка босим беради ва оқимни турбина вазифасини бажарувчи насос 6 га, йўналтирувчи аппаратлар 4 и, 4 т ва қувур 5 орқали етказиб беради. Суюқлик ўз қуввати билан турбина 6 ни айлантириб, турбина эса ўзи ўринатилган вал 7 ни ҳаракатга келтиради. Турбина 6 да ўз вазифасини адо этган суюқлик қувур 1 га тушади ва насос 3 даги ҳавонинг сийраклашиши туфайли хўпланади, яъни сўрилади. Бунда насос 3, хўпланган суюқликка яна босим бриб, босим билан қувур 5 томон

жайдайди. Мана шу жараёнда 2-валдаги ҳаракат 7-валга узатилади.

1 ва 5-қувурлардан оқаётган суюқликда сезиларли даражада гидравлик қувватни йўқотиши ҳодисаси рўй бериб, бу ҳодиса суюқликнинг ёпишқоқлиги ва тезлигига, ҳамда қувур диаметри ва девори ички юзаларининг силлиқлигига боғлиқ бўлиши аниқланган. Мана шу сабабли, юқорида келтирилган тузилманинг мураккаблигини назарда тутиб, ушбу тузилма ишини соддалаштириш мақсадида 1902 йилда Г.Феттингер деган олим насос ва турбинани бирлаштириш ва улар оралигига реактор (қаршилик гидираги) гидирагини ўрнатиб, қувурлар мажмуудан холи бўлган гидроузатмани тақлиф этди.

Насос, турбина, реакторни битта қобик ичиге жойлаштириб, ҳосил қилинган узатмага гидротрансформатор деб ном берди. Гидротрансформатор ишчи бўшлигидаги суюқлик туташган берк (узлуксиз чегараланган) контурда гир айланётган йўналишда ҳаракатда бўлади. Г.Феттингер гидротрансформаторининг нускаси (31-расм а да) кўрсатилган бўлиб, у биринчи маротаба 1907 йилда денгиз кемаларида қўлланилган. Бу қурилманинг фойдали иш коэффициенти 0,85% бўлган. Гидрозарбий узатмаларнинг иқтисодий кўрсаткичларини ошириш мақсадида ундан реактор олиб ташланади. Натижада янги гидрозарбий узатма пайдо бўлди. Бу узатма гидромуфта (31-расм, б) деб номланди. Ундан фойдаланиш гидромуфтанинг фойдали иш коэффициенти 97-98% эканлигини кўрсатди.



31-расм. Г.Феттингеринг гидрозарбий узатмалари: а-гидротрансформатор; б-гидромуфта (H-насосли гидрик; Т-турбинали гидрик, К -куйма қобиқ; KFG)-каршилик гидриктери (реактор).

Гидромуфта ишлаганды буровчи момент миқдори асосай ўзгартирилмасдан узатилади, гидротрансформаторларда эса моментнинг узатилиши миқдор ўзгариши билан кечади.

Гидрозарбий узатмаларининг энг ажойиб хислатлари уларнинг машинасозликнинг бошқа тармоқла-рида кенг қўлланилишига олиб келди. 1928 йилда Швейцариядаги Лисхольм-Смит фирмаси гидротрансформаторларни биринчи маротаба гидроузатмасифатида автобусларда қўллади. 1933 йилда Англия бундай узатмаларни кўплаб (сериялаб) чиқара бошлади. 1947 йилдан бошлаб "Бьюик" деб тамғаланган ва сериялаб ишлаб чиқиладиган енгил автомобилларда "Дайнафлоу" деб номланган механик узатмали гидротрансформатор қўлланила бошланди. Собиқ Совет Иттифоқида биринчи гидромуфта 1929 йилда ишлаб чиқилган. Биринчи гид-

ротрансформатор эса 1932-1934 йилларда Н.Э.Бауман номли Москва Олий техника ўқув юртида лойиҳаланиб ишлаб чиқилган. Бу узатма уч фидиракли гидротрансформатор бўлиб, унинг турбинасидаги қувват 44 кВт га teng бўлган. Кейинги 40 йил мобайнида Москвадаги НАТИ бош илмий тадқиқот институти ходимлари гидравлик узатмалар устида тинмай иш олиб боришиди. Агар 1966 йилга қадар НАТИ томонидан ишлаб чиқилган гидротрансформаторларнинг диаметри 344, 375, 400, 440 ва 475 мм [8], ва улар тимонидан узатиладиган қувват 70-400 кВтга teng бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган гидротарнсформаторларнинг диаметри 350, 390, 430, 480, 530 мм га teng бўлган қатордан ташкил топган бўлиб, улар томонидан узатаётган қувват 150 дан 600 кВт гача етиб боради.

НАТИдан ташқари қуйидаги илмий даргоҳлар ва машинасозлик борхоналарида: ВНИИ стройдормаш (Бутуниттифоқ Йўл қурилиши машиналари илмий институти), НАМИ (Автомотор Илмий тадқиқот институти), ЗИЛ (Лихачев номли завод), МВТУ (Бауман номли Москва олий техника билим юрти) гидравлик узатмалар устида кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Хорижий мамлакатларда, айниқса АҚШда Твин-Диск, Кларк ва Аллисон деб номланган маҳсус фирмалар, гидрозарбий узатмаларни кўплаб ишлаб чиқармоқда ва гидравлик узатмалар устида кўплаб илмий ишлар олиб борилмоқда. Чет элларда ва МДҲда гидравлика илмига қизиқиш борган сари ошмоқда ва кенгаймоқда.

§2.5. ГИДРОЗАРБИЙ (ГИДРОДИНАМИК) МУФТАЛАРНИНГ ТУЗИЛМАЛАРИ


Гидродинамик муфталар трактор трансмиссиясида нисбатан чекланган миқдорда ишлатилади. Гидромуфталарни биринчилардан бўлиб Джон-Дир 8010, Хольдер А-21, Маршал Порше деб тамгаланган юмшоқ фидиракли тракторларда, Клокнер-Химболт К-75Р, Дейтц ва Ганомог фирмаси томонидан ишлаб чиқилган ўрмаловчи занжирили саноат тракторларида қўлланилган.

Гидромуфталарнинг ривожланиши тарихидан маълумки, ушбу узатмаларнинг ишчи фидираклари асосан штамплаш ва қўйма усулда ясалishi мумкин. Штамплаш йўли билан олинган фидираклар асосан юпқа тунука металдан ясалади. Тракторларда асосан ишчи фидираклари қўйма усулда ясалган гидромуфталар қўлланилмоқда. Гидромуфталар ўз ишчи бўшлиқларининг меридиан кесими шаклига қараб, яъни насосли ва турбинали фидиракларнинг меридиан кесимига қараб симметрик ва носимметрик бўлади.

Носимметрик фидиракка эга бўлган муфталар ўзларининг ишлаш жараёнида зарбий ва статик юклар таъсирида жуда ҳам кам ўзгарадиган зоҳирий тавсифга эга эканликлари билан ажралиб туради. Муфталарнинг тўйинтирувчи қурилмага эга бўлган ва шунингдек қурилмага эга бўлмаган тузилмалари бор. Муфтадаги тўйинтирувчи қурилма унинг ишчи бўшлиқларидаги мой сатҳини ҳар доим бир меъёрда ушлаб туришга хизмат қиласди.

32-расмда Альгаер АР-22 (ГФР) тракторига ўрнатилган ишчи фидираклари носимметрик,

түйинтирувчи қурилмага эга бўлган гидромуфта-
нинг тузилмаси кўрсатилган.



32-расм. Насосли гидригадаги куракчалри қисқа ва турбинали гидригадаги куракчалари чўзиқ (узун) гидремуфта: 1-турбинали гидрирак; 2-насосли гидрирак; 3-гидриракдаги куракчалар.

Ички ёнар двигателининг бўйинги бурма валита насосли гидрирак 2 билан бириккан маховик ўрнатилган. Насослик гидрирак кулранг чўяндан, турбинали гидрирак 1 эса алюмин қотишмасидан қўйилган. Гидрираклардаги куракчалар алоҳида ясалиши ёки гидрирак билан бирга кўйилиши мумкин. Насосли гидриракдаги куракчалар сони 45 дона бўлиб, улар қисқарёқ-калтароқ, турбинали гидриракдаги куракчалар сони эса 42 та бўлиб, улар узунроқ қилиб ясалган. Куракчаларнинг қисқалиги ёки узунлиги муфта ички бўшлигида гир айланадиган суюқликнинг кўндаланг кесимм кўринишига боғлиқ.

Насосли гилдиракнинг ишчи бўшлиги тагида ўзига кос ҳоли бўшлиқ "A" кўзда тутилган. Таҳлил қилинаётган муфта тузилмасида турбина валини маховик билан тўғридан-тўғри боғловчи бир дискли ишқаланма муфта ўрнатилган. Насосли ва турбинали гилдиракларнинг куракча ўрнатилган томонлари орасидаги тирқини 2-3 мм атрофида бўлиши керак.

Муфта ишлаётгандан унинг деталларида тебраинш ва шовқин содир бўлади. Шовқин за тебраинш йўқотиш учун насосли за турбинали гилдираклардаги куракчалар сони бир-бирига тенг бўлмаслиги керак. Насосли гилдиракдаги куракчалар сони 5-8% фарқ қиласди. ГФРдаги ФОИТ фирмаси гилдираклари носимметрик, ишчи бўшлиги доимо тўйинтирувчи қурилма ёрдамида, мой билан тўлдириб туриладиган гидрозарбий муфта тузилмасини ишлаб чиққан. Муфта гилдираклари тўғинидаги ишчи бўшликлари радиус бўйича жойлаштирилган юнқа металлдан ясалган куракчалар билан чегараланган.

Насосли гилдиракнинг куракчалар билан таъминланган тўғини тагида ярим доира шаклига эга бўлган суюқлик хўпловчи бўшлиқ-камера бор. ФОИТ фирмаси ишлаб чиқаётган муфтадарнинг Турухида, гилдирак тўғини тагидаги бўшлиқ-камера тубида кичкинагина тешикча бўлиб, ушбу тешикча гилдиракдаги максус қўшимча ҳажмни тўйинтирувчи система билан боғлаган. Турухидаги муфтадар асосан инерция ҳаракати билан кўпроқ ишлайдиган ўзиорар машиналарда кўллашга мўжкалланган. Ушбу машиналарнинг ўриндан қўзгалиши за тезлашишидаги оқиста


ҳаракатининг давомлироқ ўтиши, муфтадаги қўшимча тўйинтирувчи ҳажмдаги суюқликнинг кичик тешик орқали маълум вақт оралиғида ишчи ҳажмга ўтиши билан боғлиқдир.

Худди шундек тартибда ишловчи гидродинамик муфталарни Югославиядаги "14-Октябрь" корхонаси ҳам ишлаб чиқарди. Ушбу муфталар ички ёнар двигатели ёки электродвигатель билан ишлани мумкин. Ишлаш шароити ва бажарадиган вазифасига қараб бу гидродинамик муфталар ҳар хил тузилмада бўлиши мумкин. Муфтанинг тузилмаси ва ташқи кўриниши 33-расмда кўрсатилган бўлиб, насосли ғилдирак 5 нинг қопқоқ 8 билан чегараланганди бирикмаси муфтанинг асосини ташкил қилган. Турбинали ғилдирак 7, ичи бўш бўлган ёки трубасимон вал 11 нинг гупчагига парчин мих ёрдамида бириктирилган. Турбина билан валнинг бирикмаси 2 ва 10 радиал шарикли тирак подшипниклар орқали насосли ғилдирак ва гилофдан ташкил топган асосга таянган.

Турбинали валнинг ички бўшлиғида шлицали ёки шпонкали ўйиқ (паз) бўлиб, у ушбу шпонкали ўйиқ ёрдамида трактор трансмиссиясининг бирламчи вали билан бириккан. Машина-трактор агрегати ўрнидан қўзгалаётганда гидромуфтадаги насосли ғилдирак катта момент таъсири остида зўриқиб ишлайди.

Ушбу зўриқишини камайтириш учун насосли ғилдиракнинг куракчали тўгини тагида маҳсус суюқлик хўплайдиган бўшлиқ 3 кўзда тутилган бўлиб, унинг ичига дефлектор (тўсғич) 4 ўрнатилган. Дефлектор суюқлик хўплайдиган бўшлиқ ичидаги суюқликнинг маълум тезликда

оқиб чиқишини таъминлаб, насос ғилдирагидаги ишчи бўшлиқни маълум меъёрда тўлдириб туради.



33-расм. "14 октябрь" (Югославия) корхонаси гидромуфасининг тузилмаси: 1-сақлагич клапани; 2, 10-шарикли подшипниклар; 3-суюқлик хўпловчи бўшиқ (камера); 4-дефлектор (тўсгач); 5-насосли ғилдирак; 6-сақлагич тиқини; 7-турбинали ғилдирак; 8-насосли ғилдиракнинг қонқоги; 9-пружинасимон бурама ҳалқа; 10-турбинанинг вал.

Трубасимон вал 11 гупчагига ўтқазилган 2 ва 10 подшипниклари ўзларининг ташки ҳалқалари билан насосли ғилдирак ва унинг қалин қобигидаги ўйиқчасига ўрнатилган. Бу ерда под-

шипникки ташки ҳалқаси билан номлари юқорида күрсатылған гидрик гупчаклари ички диаметри төшінгі оралығына пружинасымен бурама ҳалқа 9 тигзілаб ұтқазылған. Бурама ҳалқалар насосли гидрик ва уннің қолқоти вазифасын бажарувчи қобиқлар оғирлік марказининг суримишидан қосыл бўлған марказдан қочирма юклар таъсирини сусайтиради, ва бошқа қўшимча зарбий кучлар таъсирини камайтиради. Муфтанинг иши жараёнида пружинасымен бурама ҳалқанинг тебраниши унда хосил бўладиган динамик юклар зарбийлашувини сусайтиради. Муфтадаги суюқликнинг қизини уннің массаси ва ҳажмини камайтирити. Гидро-зарбий муфтанинг совинини таъминлаш учун насосли гидрик қонқоти махсус қовурғалар қилинган. Бу кон'юнктуранинг ташки юзаси ташқары ҳаво массаси (өзимі) билан ювилгандан, уннің иссоқылтық ташки муҳиттега ёйиши мумкин. Буидан ташқары, муфтанинг қизини биланоқ, ундағы мой ҳажмининг көнгайиши, уннің зўриқишига олиб келади. Ушбу зўриқишини камайтириш учун муфта сақлагич клалани (тўскич) 1 билан таъминланган.

Британиядаги "Энджиниринг Компания АТД" бирлашмаси STS ва SFV моделидаги гидромуфталарнинг етти гурухини ишлаб чиқаради. Москва-даги НАМИ илмий тадқиқот институтыда ҳар хил жўловчи бўшлиқлар билан жиҳозланған гидро-муфталар синовдан үтказилиб, уларнинг кўтишари автотранспорт воситаларида қўлланниб, тажрибада синаб кўрилған. Гидрозарбий муфталарни такомиллаштириш соҳасида техникаси ривожланған турли мамлакатларда көнг кўлемда илмий тадқиқот иш-

лари олиб борилмоқда. Илмий тажрибайи ғилмиғи
нинг асосий йўналиши муфталарда кечасиган
ҳодиса ва жараёнларни чуқур ўрганишга, улар-
нинг баъзи бир параметрларини аниқлаб, умум-
лаштиришга ва ушбу параметрлар асосида гидро-
зарбий муфталарнинг янгисини яратиш ҳамда
уларни ишлаб чиқаришда қўллашта қаратилган.

Гидрозарбий муфталарни илмий таълил қилиш
чоғида олинган маълумотлар шуни кўрсатдики,
тракторнинг ишлаш жараёнида ундаги технологик
ҳодисаларнинг ўзгариши шу тракторга ўринатилган
гидрозарбий узатманинг хусусиятларига боғлиқ
экан. Шунинг учун ҳам тракторга гидроузатмалар
танлашда уларнинг бақувватлигига улар
ўлчамларининг таъсири борлигини эътиборга олиш
керак. Гидроузатманинг бақувватлик даражаси
унинг ўлчамлари ўзгаришига мутаносиб равишида
ўзгаради. Масалан, гидромуфтанинг бақувватлигини
ошириш унинг диаметри D нинг ўзгаришига жуда
боғлиқ. Бу деган сўз, муфтадаги моментни
аниқлашда иштирок этадиган момент формуласи-
даги D нинг бешинчи даражасини бир оз
ўзгартириш билан муфтанинг бақувватлигини кенг-
роқ доирада ўзгартириш мумкинлигини кўрсатади.

III қисм. ГИДРОЗАРБИЙ (ГИДРОДИНАМИК) ТРАНСФОРМАТОРЛАР.

§3.1. ТУЗИЛИШИ, ИШЛАШ УСУЛЛАРИ, ТУЗИЛМАЛАРИ ВА ЗОҲИРИЙ ИШ ТАВСИФИ

Гидротрансформатор (ГТ) гидромуфтага нисбатан
суюқлик гирдобига ортиқча ишчи фидирек


қўйилганини билан ажралиб туради. Бу ишчи фиддирак номини реактор деб аталади. Реактор асосий ишчи фиддираклардан оқиб чиқаётган суюқлик ҳаракатини (оқимини) миқдорий томондан ўзгартиради ва ўзига суюқлик оқимидан ҳосил бўлган реактив моментни тўғридан-тўғри ва насосли фиддиракда суюқликнинг марказдан қочирма кучидан ҳосил бўлган реактив моментни билвосита қабул қиласди.

Гидрозарбий узатмаларда реактор фиддираги борлиги сабабли узатилаётган буровчи моментнинг қиймати ошиш томонига ўзгаради.

Ҳозирги вақтдаги гидротрансформаторларнинг жуда кўп андазалари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган ГТлар ичida энг кўп трақалган ва ишлатиладиган тузилмаларнинг рамзий тасвиirlари 34-расмда кўрсатилган.

ГТларда реакторнинг ўрнатилишига қараб мураккаб - кўп мақсадли ва механик узатмали бўлади.

34-расм, а да кўрсатилган ГТ тузилмаси, уларнинг ичидаги энг содда нусхаси бўлиб, ундаги реактор 3, насосли фиддирак 1 дан оқиб чиқаётган суюқлик оқимининг энг катта тезликка эга бўлган доирасига ўрнатилган. Мана шу нусхада бажарилган ГТлар юқори қийматга эга бўлган узатишлар сонини қамраб олади, бироқ уларнинг ф.и.к. анчагина пастдир. Бунинг асосий сабаби, насосли фиддиракдан оқиб чиқаётган суюқлик ўзининг бор қувватининг анча-мунчасини реактор фиддирагида йўқотиб, сўнг турбинали фиддиракка оқиб ўтади. Бундай нусхада бажарилган ГТларнинг меридиан кесимида суюқлик қувватининг анчагина қисми исроф бўлади.



34-расм. Гидротрансформаторларнинг нусхаси (түзилмалари): а-реактор гиддираги на-
сосли гиддиракдан чиқаётган суюқлик доирасига ўрнатилган ва трубинага кирган
суюқлик марказ томон ҳаракатдадир; б-реактор гиддираги турбинали гиддиракдан
чиқаёттан суюқлик доирасига ўрнатилган ва турбинадаги суюқлик марказ томон
ҳаракатдадир; в-реактор гиддираги турбинали гиддиракдан сўнг ўрнатилган ва
суюқлик турбинада марказдан ҳочирма ҳаракатдадир; г-реактор гиддираги ўқ бўйича
ўрнатилиб, турбинали гиддиракдан сўнг ўрнатилган; 1-насос гиддираги; 2-турбина
гиддираги; 3-қаршилик гиддираги (реактор).

34-расм, б да акс эттирилган ГТ да реактор 3 турбинали гиддирак 2 дан кейин ўрнатилган. Реактор 3 турбинали гиддирак 2 дан чиқаётган суюқликнинг паст тезлик билан оқиш доирасига ўрнатилганлиги сабабли, бундай нусхада бажарилган ГТнинг ф.и.к. олдингисига нисбатан юқори бўлиб, бироқ қамраб оладиган узатишлар сони анча камроқдир.

34-расм, в да кўрсатилган ГТда насосли гиддиракдан сўнг турбинали гиддирак 2

ўрнатилган бўлиб, бу гилдиракдан оқаётган оқим йурбина гилдирагини айлантириши билан бирга ўчишни оқиб ўтаётган суюқлик оқимида қўшимча марказада қочирма оқим ҳосил қиласди. Мана шу ҳодиса ГТ қамрайдиган узатиш сонинг кичикроқ қийматларида, унинг ф.и.к. нинг юқори қийматларга эга бўлиши сабабларидан биридир.


Расм 34, г да турбинали гилдирак 2 ГТ ишни бўшлигининг энг чекка қисмига ўрнатилган. Гилдиракдан оқаётган суюқлик оқими вал йўналишига ҳамоҳанг (бир хил йўналишда) оқсанлиги сабабли, бу оқим заррачалари олдинда оқаётган суюқлик оқими заррачаларини камроқ итариди. Шу сабабли 34 расмда кўрсатилган ГТларнинг а, б, г схемалари узатилаётган моментни кенг кўламда ўзгартира олмайди. Суюқлик заррачаларини итариш хусусияти ГТнинг 34 расм, в да кўрсатилганида юқорироқ бўлиб, у ўз на-вбатида узатилаётган моментни юқорироқ доирада ўзгартириш қобилиятига эга қиласди. Бундан ташқари ушбу ГТда ф.и.к юқори бўлишининг иккинчи сабаби, унинг меридиан кесимида насосли гилдиракдан сўнг турбинали гилдиракнинг туришидир. Суюқлик оқимининг энг катта тезликка эга бўлган доирасидан турбинали гилдиракка оқиб ўтиши суюқлик қувватининг кам исроф бўлишига олиб келади. Мана шу йўсинда бажарилган ГТлар гидроузатма сифатида тракторсозликда кўп тарқалган.

Гир айланәётган суюқлик оқимини ихчамлаш ва унинг йўналишини ўткирлаш мақсадида ГТнинг меридиан кесимиға ҳалқа шаклига эга бўлган ички тарнов ўрнатилган бўлиб, унинг ташки сирти

ишли бўшлиқни чегараловчи ички сирт вазифасини ўтайди. Агар гидрозарбий муфталарда куракчалар кўп ҳолатларда тўгри, яъни радиус (кегай) йўналишида ўрнатилган бўлса, ГГларда эса куракчалар фазода ёки маълум бир текисликда эгилган кўринишда бўлади.

ГТнинг ишли гилдираклари кўп ҳолатларда куракчалари билан биргаликда яхлит ҳолатда аломиний қотишмаларидан қўйилади (кам ҳолатларда пўлатдан қўйилади), баъзи ҳолларда куракчалар алоҳида тайёрланиб, тегишили гилдиракларга ковшарланган, пайвандланган ёки парчин мих билан биритирилган бўлиши мумкин.

ГТда содир бўладиган ҳодисаларни ва унинг ишлаш йўлини кўрсатиши учун ишли бўшлиқдаги суюқлик оқимини гилдирак куракчалари билан бўлган муносабатини таҳлил қиласиз (35-расм).



35-расм. Суюқлик оқимининг гилдирак куракчалари билан ўзаро боғлиқлиги тасвири.

Фараз қиласайлик, суюқлик оқими V_{sp} тезлик билан ҳали қўзғалмаган гилдиракнинг ясси куракчага зарб билан урилаётган бўлсин. Суюқлик куракчага урилиб, ўз йўналиши ва ўртача тезлигиги ўзгартиради. Суюқлик оқими куракча сиртига

урилиб, унинг юзасида "F" кучини ҳосил қиласди. Ана шу куч суюқлик оқимида содир бўладиган миқдорий ўзгаришлар билан аниқланади:

$$F = M \cdot V_{\bar{y}p}$$

бу ерда, M -куракча ясси юзасига бир сонияда оқиб келаётган суюқликнинг массаси, кг; $V_{\bar{y}p}$ - суюқлик оқимининг ўртача тезлиги, м/с.

Суюқлик массасининг ўз навбатида қуйидаги ифода билан аниқланишини кўзда тутиб,

$$M = Q \cdot \frac{\gamma}{g}$$

суюқликда содир бўладиган миқдорий ўзгаришлардан ҳосил бўладиган кучни топамиз:

$$F = Q \cdot \frac{\gamma}{g} \cdot V_{\bar{y}p}$$

бу ерда Q -суюқлик сарфи (оқими) $\text{л/дақ} = 10^5$
 $\text{м}^3/\text{дақ}$;

γ -суюқликнинг солиштирма оғирлиги, Н/м^3 ;

g -суюқликдаги тортилишга оид (гравитацион) тезланиш, $9,81 \text{ м/с}^2$.

Шундай қилиб, суюқликдаги миқдорий ўзгаришидан "O" нуқтасига (расм, 35) ўрнатилган гилдирак куракчасини бурашга ҳаракат қилувчи буровчи момент:

$$M = F \cdot \gamma = Q \cdot \frac{\gamma}{g} \cdot V_{\bar{y}p} \cdot \gamma, \text{ га тенг.}$$


Бу ердаги ниисбат γ/g суюқлик зичлигини билдиради, учи " γ " ($\text{кг}/\text{м}^3$) ҳарфи билан белгилаб, юқоридаги формулага қўйиб, қуйидаги тенгламани оламиз:

$$M = Q \cdot \rho \cdot V_{\bar{y}p} \cdot \gamma, \text{ Н.м.,}$$

бу ерда F -суюқлик оқимидағи миқдорий

ўзгаришдан куракча юзасида ҳосил бўлган элементар кучлар йифиндиси, H ; ζ -куракча юзасига таъсир қилувчи суюқлик оқимининг "O" нуқтасига таъсир қилувчи радиуси, m .

Демак, ГГ фидираклари ишчи бўшлиқларида суюқлик гир айланадиганда ушбу фидираклар куракчаларида момент ҳосил бўлар экан. Бу момент ҳар бир куракчага бир сонияда оқиб кираётган ва ундан оқиб чиқаётган суюқликдаги миқдорий ўзгаришлардан ҳосил бўлган моментларнинг алгебраик айримасига тенгdir. Ушбу моментларни топиш учун "O" нуқтасига ўрнатилган фидиракнинг бир дона куракчасини суюқлик оқими билан бўлган ўзаро муносабатини қараб чиқамиз (36-расм).



36-расм. Суюқлик оқимининг фидирак куракчасига таъсирини рамзий тасвири: а-фидиракнинг тўхтаган ҳолати (вазиати). б, в-фидиракнинг ҳар хил ҳаракатидаги ҳолатлари.

Бунда фидиракнинг уч ҳолатини, яъни фидиракнинг тек турган (тўхтаган), қисман ҳаракатга келган ва, ниҳоят, фидиракнинг

ҳаракати борган сари ўсаётган ҳолатларни кўздан кечириб чиқамиш.

Филдирак тўхтаган (36-расм, а), яъни айланма-ётган ҳолатида ($\omega = \dot{\theta}$) суюқлик оқимининг кўчирма тезлиги йўқ. Филдирак куракчасига оқиб кираётган V_1 ва филдирак куракчасидан оқиб чиқаётган суюқликнинг мутлақ тезлиги V_2 бир-бирига тенг эмас. Чунки V_1 тезлик билан оқиб кираётган суюқлик ўз қувватини куракча юзасида бир оз йўқотиб (яъни суюқлик ўз йўналишини куракча юзаси ва йўналиши бўйича ўзгартирганда, суюқликда қувват сарфи бўлади) V_2 га айланади, бироқ унбу тезлик ўзининг қиймати ва йўналиши билан суюқликнинг нисбий тезлиги " W_0 "га тенгдир. Филдиракнинг бу ҳолатидаги суюқлик оқими-нинг кўчирма тезлиги "u" "O"га тенгдир.

Мулоҳазани соддалаштириш мақсадида суюқлик-нинг нисбий тезлиги миқдор жиҳатидан ўзгармас ва йўналиши куракчанинг йўналиши бўйича йўналгаш деб фараз қилинган. Шундай қилиб, ку-ракчани қайиришга (бурашга) ҳаракат қилувчи момент

$$M_{\text{бүр}} = Q \cdot \rho (V_2 \cdot Z_2 \cdot \cos \alpha_2 - V_1 \cdot Z_1 \cdot \cos \alpha_1),$$

бу ерда Q - меридиан кесимидаги ишчи суюқликнинг бир сониядаги суюқлик сарфи $10^3 \text{ м}^3/\text{с}; \rho$ - ишчи суюқлигининг зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$;

V_1 ва V_2 -белгиланишига қараб ҳар бир филдирак куракчасига кираётган ва чиқаётган суюқлик оқимининг мутлақ тезлиги, $\text{м}/\text{с}$;

Z_1 ва Z_2 - ҳар бир куракчанинг бошланиш ва ту-галланиш қиррасининг вал айланиш меҳварига ёки марказига нисбатан турган масофаси (радиуси), м ;

α_1 ва α_2 - ишчи ғилдиракдан чиқаётган ва кирайтган сув оқимининг чиқиши ва кирини бурчаги.


Фараз қиласыл, ғилдиракда ҳосил бўлган момент куракчаларниң айланнишига бўлган қаршилигини ёнгиги, уни маълум бир ω бурчак тезлиги билан айлантираётган бўлсин ($\dot{\omega} = 0$). Эки ушбу ғилдиракларниң бурчак тезлиги борган сари ошиётган бўлсин ($\dot{\omega} > \dot{\omega}'$) (36-расм, б, в). У ҳолда ғилдирак айланадиганлиги сабабли суюқлик оқимида кўчирма тезлик V_1 , V_2 пайдо бўлиб, куракча юзасидан (сатҳидан) оқиб чиқаётган ишчи суюқлик мутлақ тезлиги V_2' нинг йўналиши ва қиймати ҳам ўзгаради.

Ғилдирак айланадиганда куракчаларга кириб келадиган суюқлик оқими мутлақ тезлиги V_1 нинг йўналиши ва қиймати бир хил ва ўзгармас бўлса ҳам, куракчадан оқиб чиқаётган суюқлик оқимининг мутлақ тезлиги V_2 нинг йўналиши ва қиймати ўзгаради. Шундай қилиб айтишимиз мумкинки, ғилдиракнинг бурчак тезлиги ω нинг ошиши билан ғилдиракдан оқиб чиқаётган суюқлик V_2 нинг тезлиги ўзгаради ва шу билан бирга ғилдирак куракчаларида буровчи (бурувчи) момент ҳам ҳар хил бўлади.


Энди ГТнинг ишчи ғилдираклари куракчалари орқали оқаётган суюқлик оқимидан унда ҳосил бўлган буровчи (бурувчи) моментларниң ўзгариши билан танишиб чиқамиз.

ГТнинг ишлашида содир бўлаётган жараёнларни кўрсатиш учун гир айланадиган суюқлик гирдоби ўтадиган ғилдиракларниң кетма-кет туришини (37-расм) инобатга олиб, уларнинг гардиши ейма-

си (яъни гидриак еймаси)нинг бир қисмини кўрсатамиз (38-расм).



37-расм. Гидротрансформаторнинг рамзий тасвири ва унинг ишлаш услуби: Н-пасосли гидриак; Т-турбинали гидриак; Р-реактор (қаршилик гидриаги).



38-расм. Гидротрансформатор гидриаклари куракчалари оралигиндан оқаёттап сўюқлик оқими тезлигининг ўзгариши.

Филдирак ёймаларини насос филдирагидан бошлаб реактор филдираги билан тугаллаймиз. Шакл 37 да ГТнинг соддагина тузилмали схемаси (нусхаси) кўрсатилган бўлиб, унда Σ_h^1 , Σ_t^1 , Σ_p^1 лар билан насосли (H), турбинали (T) ва реактор (R) филдиракларида гир айланётган ишчи суюқлик оқимини кириш нуқталари филдиракларни айланиш мехварига нисбатан қандай масофада турганлиги кўратилган.

Гир айланётган суюқлик оқимининг йўналиши оқим йўналишини кўрсатувчи узлукли чизикда стрелка билан кўрсатилган.

38-расмда ГТ филдираклари ва уларда жойлашган куракчалар шартли равишда ёйиб кўрсатилган бўлиб, улар орқали суюқлик оқимида ҳосил бўладиган тезликларнинг миқдорий ўзгаришлари ва уларнинг йўналишлари тезлик кесмалари (вектори) билан кўрсатилган. Юқорида келтирилган тенглама асосида (32бет) ҳар бир филдирак куракчаларига таъсир этувчи моментларни қўйидаги тенглама ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$M_{\text{бур.} H} = Q \cdot p (V_h^1 \Sigma_h^1 \cos \alpha_h^1 - V_h^1 \Sigma_h^1 \cos \alpha_h^1);$$

$$M_{\text{бур.} T} = Q \cdot p (V_t^1 \Sigma_t^1 \cos \alpha_t^1 - V_t^1 \Sigma_t^1 \cos \alpha_t^1);$$

$$M_{\text{бур.} P} = Q \cdot p (V_p^1 \Sigma_p^1 \cos \alpha_p^1 - V_p^1 \Sigma_p^1 \cos \alpha_p^1).$$

Реактор филдираги қўзғалмас бўлиб ($\omega_p=0$) насосли филдирак доимо бир хил бурчак тезлигида (ω) айланганда машина-трактор агрегатининг юршига таъсир қилувчи қаршиликнинг ўзгаришига қараб, турбинали филдиракнинг бурчак тезлиги (ω) ҳам шу ўзгаришга мос равишда ўз-ўзидан ўзгаради. Турбинали филдиракдаги буровчи момент

М_т трактор ҳаракатига қаршилик күпайганда (шунда ω_t камая (ласая) бошлайды) ошади, трактор ҳаракатига қаршилик камайганда (бунда ω_t ни ечиши рүй беради) М_т қиймати камаяди.

Демак, ГТнинг ҳар бир гидрагидаги самарали момент йигиндиси система мувозанатда ишлаши учун нолга тенг бўлади:

$$M_i + M_t + M_p = 0$$

Гидрозарбий муфтадек ГТнинг қайси шароитда самарали ишлашини таҳлил қилиш учун унинг зоҳирий тавсифи чизилади. ГТ зоҳирий тавсифи нинг қурилишини осонлаштириш мақсадида насосли гидракидаги буровчи момент за унинг айланиш частотаси ўзгармайди (const) деб қабул қилинган.

ГТнинг зоҳирий тавсифи деб қўйидаги қийматлар К_т, М_т (λ_t) М_и (λ_i), η_t ларни, нисбат $n/n_{\text{нинг}}$


ўзгаришига қараб ўзгаришини кўрсатувчи график шаклидаги боғланишга айтилади. Бу ерда К_т=М_т/М_и моментлар нисбати, момент ўзгаришини кўрсатувчи коэффициент ёки бақувватлик узатиш сони λ бўлиб, М_т ва М_и лар турбинали ва насосли гидракидаги буровчи моментлардир; λ_t ва λ_i -турбинали ва насосли гидракидаги моментлар коэффициентидир:

$$\lambda = \frac{M}{\gamma \cdot D^5 n^2} \quad (\text{ёки} \quad \lambda = \frac{M}{g \cdot p \cdot D^5 \omega^2})$$

бўлиб, бу ерда γ ва p - ишчи суюқликнинг солиштирма оғирлиги ва зичлигидир; D -гидраклардаги ишчи бўшлиқнинг энг катта фаол диаметрини билдиради; η_t -эса ГТнинг ф.и.к. бўлиб, $\eta_t = K_t \cdot \lambda$ га тенгdir.

Юқоридаги боғланишлардан фойдаланиб, ГТнинг

зоҳирний тавсифини чизамиз, у эса 39-расмда келтирилган



39-расм. Гидротрансформаторнинг зоҳирний тавсифи.

ГТнинг зоҳирний тавсифини таҳлил қилиб, куйидаги хуносаларни чиқаришимиз мумкин:

1. Трактор ўз ўрнидан қўзғалмоқчи бўлганда турбинали ғилдиракдаги буровчи момент M_T ўзининг энг юқори қийматига эга бўлар экан. (Бунда $\omega_T = 0$ ва ГТнинг ф.и.к. $\eta_T = 0$). Трактор ўрнидан қўзғалиб тезлигини ошираётганда турбинали ғилдиракдаги буровчи момент M_T (момент формуласига асосан), ГТнинг даражаси икки бўлиб ўзгаришига қарамасдан унинг ўзгаришига номутаносиб ўзагаради. Турбинали ғилдиракдаги юк нолга тенг бўлганда ($M_T = 0$), ГТнинг ф.и.к., $\eta_T = 0$ га тенг.

2. ГТнинг бақувватлик узатиш сони $K_T = 1$ трактор ўз ўрнидан қўзғалаётганда ўзининг энг катта қийматига эга бўлади.

3. Бақувватлик узатиш сони "Кт", нисбат $n_T/n_n = 0,6..0,7$ га тенг бўлганда, у тахминан 1 га

тенгдир. Турбинали ғилдирак айланиш частотасининг ошиши билан бу ғилдиракдаги момент M_t насосли ғилдирак валидаги момент M_h га нисбатан камаяди.

4. ГТнинг ф.и.к. тахминан системанинг ўртача иш (юкланиш) доирасида ишлаганда энг катта қийматга эга бўлиб, иш доираси ўртача иш (юкланиш) доирасидан чеккага (яъни ўртача ҳолатдан чап ва ўнг томонга) сурилганда ф.и.к.нинг қиймати кескин ўзгара бошлади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдикি, ГТ ўзининг энг самарали иш кўрсатаётган жараёнида ҳам унинг ф.и.к. 0,87 — 0,89 атрофида экан. Унинг бу қиймати ГТ учун камдир. Ф.и.к.нинг қийматини ошириш мақсадида, ГТ ишқаланиш муфтаси билан жиҳозланади ёки бўлмаса у мураккаб гидро-юритма сифатида лойиҳаланади.


ГТни ишқаланиш муфтаси билан жиҳозлаганда ушбу бир дискли муфта ГТда тўсиқ ёки муҳосара муфтаси воситасини бажариб, система барқарор шароитда (иш тартибида) ишлаганда, турбина валининг насосли ғилдирак вали билан тўғридан-тўғри боғлашга имконият яратади. Бунда бундек система механик системага айланиб, гидро-трансформатор ишлаётган жараёнда содир бўладиган турбина ғилдирагининг орқада қолиб сирғалиб (шатаксираб) ишлаши билан боғлиқ бўлган қувват сарфи камчиликларини йўқотади.

§3.2. МУРАККАБ ГИДРОТРАНСФОРМАТОРЛАР

Содда ГТларнинг зоҳирий тавсифидан маълум бўладики, улардаги ф.и.к. нинг энг катта қиймати

η_t/η_n нисбатининг 0,4 ва 0,5 га тўғри келиб, бунда турбинали гидриакдаги Мт билан насосли гидриакдаги Мн ўртасидаги тафовут 1,5...1,8 га тенг бўлади ва, Мт нинг катталашиб бориши Мн нинг ўзгаришига олиб келади. Бу эса трактор двигателини зўриқтиради.

ГТларнинг мана шундай камчиликларини йўқотиш, улардаги ф.и.к.ни яхшилаш ва унинг қийматини ошириш, таъсир доирасини кенгайтириш мақсадида шундай ГТлар ишлаб чиқилганки, улар тракторнинг маълум бир иш тартибида ГТ, ва ушбу юкланиш тартибининг ўзгариши билан гидрозарбий муфта сифатида ишлаши мумкин. Бундай гидроузатмалар мураккаб гидротрансформаторлар (ГМ) деб аталади ва уларнинг рамзий тасвири 40-расмда келтирилган.



40-расм. Мураккаб гидротрансформаторлар (ГМ) нускаси: а-бир реакторли мураккаб ГМ; б-икки реакторли мураккаб ГМ; 1-турбинали гидриак; 2-насосли гидриак; 3, 3', 3''-реакторлар; А, Б-ўздириш муфталари.

Содда ГТни мураккаб ГМга айлантириш учун ундаги реактор гидриагини валга нисбатан ўздириш муфтаси орқали ўтқазилган.

Ўздириш муфтаси ГМ да жуда ҳам мураккаб вазифани бажаради. Битта (40-расм, а) ёки икки-

та (40-расм, б) реактор гидираги ўздириш муфталари А ва Б орқали турбина валига ўтказилган мураккаб ГМлар 40-расм а, б да кўратилган.



ГМза реактор гидиракларидаги куракчалар йўналиши ва кўринини бир хил эмас. Уларни лойиҳалани, танлаш ва ҳисоб-китоби маҳсус илмий китобларда келтирилган.

Агар биз содда ГТнинг зоҳирий тавсифига (39-расм¹) назар ташисак, унинг ф.и.к.ни энг катта қиймати $\frac{M}{m}$ нисбатининг 0,4...0,5 га тўғри кела-ди. Бу ерда нисбат $\frac{H}{\eta}$ ошиши билан ГТнинг ф.и.к. камаяди. Демак ГТ ўзининг энг катта бақувватлик иш тартибида ишлаганде яъни $\frac{M}{m}$

≈ 1. ГТнинг ф.и.к. жуда паст бўлади. Шунинг учун мураккаб ГМлар энг фойдали иш тартибида ишлатётгача улар ф.и.к.ни кўтариш мақсадида, гидротрансформаторни гидромуфта сифатида мажбурий ишланни амалга ошириш кўзда тутилган. Шу сабабли ГМлардаги реактор гидираги ўздириш муфтасига ўрнатилган бўлиб, унинг реактор билан ийланниши ва айланмаслиги ушбу гидираклардаги куракчалар йўналишига боғлиқ қилиб қўйилган. Мана шундай тартибда ишлайдиган мураккаб ГМнинг зоҳирий тавсифи қуйидагича тузилади (чилизлади) ва тушинтирила-ди.

Мураккаб ГМнинг зоҳирий тавсифини чизиш учун содда ГТнинг тавсифидан фойдаланилади. Реакторлар турбина валига нисбатан қўзғалтс қилиб ўрнатилган деб фараз қилиб, 41-расм, а да кўрсатилганидек ГТнинг зоҳирий тавсифи чизила-ди ва унга ГТни чизишида қабул қилинган масш-табда шаффофф қоғозига чизилган гидромуфтанинг

зоқирий тавсифи 26-расмни устма-уст күйалади. Шунда биз 41-расм, а да күрсатылған ГТ ва ГМнинг аралаш зоқирий тавсифини оламиз.



41-расм. ГМларнинг зоқирий тавсифлари: а-ГТ ва гидромуфтауз аралаш зоқирий тавсифи; б-яқшылар реактор (гидриак)ли мұраккаб гидротрансформаторнинг зоқирий тавсифи.

Расмга ажамият берсак, ГМнинг ФИК η_{tp} ни билдирувчи эги чизик ГМни ф.к.нни күрсатувчи эгри (график) чизиги билан кесишган. Мана шу эгри чизиклар кесишган нүктасини "Е" ұарфи би-

лан белгилаб, шу нүкта орқали амудний нафис чизигини ўтказамиз. Бу чизиқ ГТ ва ГМ нинг аралаш зоҳирий тавсифини икки доирага, яъни "С" ва "Д" доираларига бўлиб юборади.

Агар тавсифнинг "С" доирасига аҳамият берсак биз бунда ГМнинг ФИК Ўтр нинг энг юқори доирасида ишләётганини кўришимиз мумкин. Бунда ГМдаги реактор гилдираги ўзининг гупчагидаги тўсиқ муфтасига ҳар доим сиқилган бўлади, яъни айланмайди. Машина трактор агрегати (МТА)даги ГМнинг "С" доирасида ишлаши шу агрегатга ташқи томондан таъсир қилувчи қаршиликка ёки ишлов берилаётган тупроқнинг ҳолатига бўғлиқдир.

Агар МТАга ташқи томондан қаршилик таъсири сусайса, ГМ ўзининг "Д" доирасидаги тавсифида ишлаши ўз-ўзидан аён кўриниб туради. Агар трактордаги мураккаб ГМ "Д" доирасида содда гидротрансформатор сифатида ишласа, қурилмани яъни ГМни ФИК ниҳоятда камайиб, унинг фойдали ишлаш суръати анча пасайиб кетади.

Мураккаб ГМнинг мана шу шароитда фойдали ишлашини яратиш мақсадида ГТнинг гидромуфта сифатида ишлашини вужудга келтириш айни муддаодир. Мана шу масалани ҳал қилиш мақсадида реактор гилдирагидаги куракчалар йўналиши ўрганилиб, унинг гупчагига ўздириш муфтаси ўрнатилади. Бунда мураккаб ГМдаги реактор гилдираги маълум юкланиш шарт-шароитларида қўзгалмас реактор гилдираги вазифасини бажаради (бундай ҳолатда ГМ ишлаганда, реактор гилдирагидаги ўздириш муфтаси сиқилиб, айланмайди), маълум бошқа бир юкланиш шарт-шаро-

итларида эса бу ғилдирак ўзидағи ўздириш мұфасининг ёрдамида айланадиган бўлиб қолади.


Мураккаб ГМда ҳосил бўладиган гидравлик ҳодисани тушунтириш учун 42-расмга мурожаат этамиз. Мураккаб ГМ асосан З бўлакдан ташкил топган бўлиб, Н- билан насосли, Т- билан турбинали, Р- билан реактор ғилдираги белгиланади. Ушбу ғилдиракларда содир бўладиган ҳодисаларни соддороқ қилиб тушунтириш мақсадида 42-расмда уларнинг ёймалари ва ёймаларида жойлашган куракчаларнинг рамзий йўнилишлари кўрсатилган.

Мураккаб ГМнинг насосли ва турбинали ғилдиракларидағи куракчалар орасидаги ишчи бўшлиқдан оқаётган суюқлик оқимидағи ҳодисалар содда ГТнинг насосли ва турбинали ғилдирагидаги содир бўладиган ҳодисалага жуда ҳам ўхшашидир. Бунда насосли ғилдирак ИЕД дан эндигина ҳаракат олганда, яъни МТА ўрнидан қўзгалаётганда мураккаб ГМнинг насосли ғилдирагида жойлашган суюқликка потенциал ва кинетик қувват беради.

МТАнинг барқарор ҳаракатида насосли ғилдирак ИЕД ёрдамида айланиб, реактор ғилдирагидан $V_p'' = V_h'$ мутлақ тезлик билан оқиб чиқаётгай суюқлик оқимини илиб олади ва суюқликка потенциал ва кинетик қувват беради (бу ҳолат 42-расмда Н ва Р-ёйма ғилдирагида кўрсатилган). Суюқлик оқими насосли ғилдирак Н дан V_h'' мутлақ тезлик билан оқиб чиқиб турбинали ғилдиракка эса $V_h'' = V_t''$ мутлақ тезлик билан отилиб кира бошлайди.

$V_h'' = V_t''$ мутлақ тезлик билан турбина ғилдирагига кирган суюқлик оқими турбина куракчасини ни-

сбий тезлик $W_H^{''}$ ва күчирма тезлик $u_H^{''}$ лар би-
жүйе жағдайда көлтиради.



42-расм. Мураккаб гидротрансформатор гилдираклари куракчалари оралигидан оқаёт-
тан суюқтук оқимидаги тезликларнинг ўзгарышы.

Турбинали гилдиракдан оқиб чиқаётган суюқлик-

нинг мутлақ тезлиги нинг йўналини МТАдаги таъсир этувчи ташки қаршиликка боғлиқдир.

Агар МТАдаги қаршилик катта бўлса, турбинали гидрирак секин айланаб, ундан оқиб чиқаётган суюқликнинг нисбий тезлиги W_t^* катта, кўчирма тезлиги u_t^* кичик бўлади. Уларнинг кўшилинидан ҳосил бўлган мутлақ тезлик $V_t^* = V_p$ реактор гидрирак куракчасининг ички юзасига йўналган бўлади. Мана шу ҳолатда реактив гидрирак ўзининг гупчагига ўрнатилган ўздириш муфтасига сиқилиб айланмайди (расм 42 даги реактив гидриракнинг рамзий кўрининшига қаранг), яъни бунда $W_p=0$ га тенгdir; МТАдаги қаршилик камайса турбинали гидрирак тезроқ айланада бошлайди. Ушбу ҳолатда турбинали гидриракдан оқиб чиқаётган суюқликнинг кўчирма тезлиги \dot{W}_t катталашиб, нисбий тезлиги W_t^* эса кичиклашади. Бунда суюқликнинг кўчирма u_t^* ба нисбати W_t^* тезликларидан ҳосил бўлган мутлақ $V_t^* = V_p$ тезликнинг йўналини ўзгариб, реактор гидрираги куракчасининг ташки томонидан ($W_p=0$ еки $\dot{W}_t=W_p$) таъсир қиласиди. Мана шу ҳолатда реактор гидрираги гупчагига ўрнатилган ўздириши муфтаси реактор гидрирагини бўшатиб юборади ва у оҳисталик билан тезлигини ошириб турбина гидрираги билан бир текисда айланада бошлайди. Мана шу ваҳтда мураккаб ГМ гидро-муфтага айланади. Агар биз мана шундай шароитда ишлаётган мураккаб ГМнинг зоҳирий тавсифини чизсак, расм 41,б да келтирилган тавсифини олишимиз мумкин. Бу ерда ГМ нинг ФИКи-Чтр ни кўрсатувчи эгри чизиқда иккита Е ва F нуқталарини кўришимиз мумкин. Бунда Е нуқтадан ўсиб чиқкан эгри чизиқ ўздириш муфгаси А-

га ўрнатилган биринчи реактор ғилдирагини турбина ғилдираги билан бирга айланишини кўрсатувчи ГМни зоҳирий тавсифини билдиради. Ташқи қаршиликнинг камайиши билан иккинчи ўздириш Б муфтаси иккинчи реактор ғилдирагини қўйиб юборади ва у турбина ғилдираги билан бирга айлана бошлади. Тавсифда ушбу ҳолат F ҳарфи билан белгиланган.


Иккита реакторли мураккаб ГМда реактор ғилдираги ва улардаги куракчаларнинг йўналиши қандай кўринишда бўлиши мумкин? - деган савол туғилади. Д.Я.Алексапольскийнинг тавсияси бўйича иккита реакторли ГМ олиш учун бир реакторли ГТдаги реактор ғилдирагини 43-расмда кўрсатилгандек қоқ ўртасидан бўлиш билан ҳосил қилинади. Натижада бир реакторли ғилдирак ўзининг куракчалари билан тенг иккита ғилдиракка бўлиниб кетади.

Ҳосил бўлган реактор ғилдиракларидағи куракчаларнинг асосий йўналишини сақлаган ҳолда куракчаларга қисман ишлов бериб, яъни уларни алоҳида куракча ҳолатига келтириб, иккита реакторли мураккаб ГМни ҳосил қилишимиз мумкин.

Реактор ҳилдирагининг иккига бўлиниши ва уларнинг алоҳида-алоҳида ўздириш муфтасига ўрнатилиши ГМнинг ишлаш шароитини ўзгартириб, унинг ФИКини юқорилаштиради ва ишлаш доирасини кенгайтиради.

Айтайлик, мураккаб ГМ маълум юкланиш шарт-шароитларида гидромуфта сифатида ишлаётган бўлсин, ГМни гидромуфта сифатида ишлаётган тақдирда ҳам турбинали валнинг насосли валга нисбатан 2-4% силжиб (орқада қолиб) ишлаши,

МТАнинг умумий иш унумдорлигини одатдагича 2-4% га камайтириб юборади. Шунинг учун МТА, айниқса саноат яъни транспорт шароитида ишлаганда ёки текис йўлда юрганда, уидаги мураккаб ГМларнинг иш доирасини янада кенгайтириш мақсадида, улар ишқаланма муфталари билан таъминланади.



43-расм. Мураккаб ГМнинг реактор тилдираги симаси билан кўриниш: а-бир реакторли ГМ; б-икки реакторли ГМ.


Мана шундай мураккаб ГМнинг нусхаси 40-расм, б да кўрсатилиган. Бундай ГМлардаги ишқаланма муфтасидан МТА текис йўлда юрганда, ёки уларни транспорт иш шароитида ишлатилганда фойдаланилади. Ишқаланма муфтасининг ишга туширилиши ёки ишдан узилиши ГМнинг ўз-ўзидан (автоматик) ишлашидан келиб чиқмас-

дан, балки уни мажбурий равиша да ишга солинады.

ГІДРОТРАНСФОРМАТОРЛАРНИҢ ЗОХИРИЙ ТАВСИФИНИҢ ХОССАЛАРИ

ГТлар ўзларының зохирій тавсифлари күрінішигә қараң тиңік ва нотиңік тавсифға ва тиңіқлігі жиҳатдан түгри-тиңік ва тескари-тиңік тавсифға әга бўладилар.

ГТлар МТАларда ишлаётган жараёнда ташқы қаршиликкінің ўзгариши туфайли ундан чиққан валдаги буровчи момент доимо ўзгариб туради.




44-расм. Тиңік гидротрансформаторының тавсифи.

ГТдан чиққан валдаги буровчи моменттің ўзгариши уни ҳаракатта келтирүвчи (унға кираёт-ган) валдаги буровчи моменттің ўзгартырса у ҳолда бундай гидроузатмани тиңік тавсифға әга бўлган ГТлар деб аталади.

Тиңік тавсифға әга бўлган ГТларның тавсифи 44-расмда келтирилган. Ушбу расмдан күріниб турибдик, нисбат n_t/n_h нин් ўзгариши турбина-

ли фидиракдаги Мт буровчи моментни ўзгариради, бу ўзгариш ўз наубатида насосли фидиракдаги Mn ни ўзгартырьпти.

Агар турбинали гилдиракдаги ўзгараётган буровчи момент M_t , насосли гилдирак валидаги буровчи момент M_h ўзгартырмаса, у ҳолда бундай ГТларни нотиниқ тавсифга эга бўлган гидротрансформаторлар деб юритилиади. Нотиниқ ГТларниң тавсифи 45-расмда келтирилган.



45-расм. Нотиниң гидротрансформаторнинг тасиғи.

Агар тиниқ тавсифга эга бўлган Гларда ундан чиққан валдаги буровчи момент Мтнинг ўсиши унга кирган валдаги моментни оширса, у ҳолда бундай Гларни тўғри тиниқликка эга бўлган Глар деб аталади.

Агар турбинали валдаги буровчи момент М_т нинг ўсиши насос гидриаги валидаги момент М_нни камайтирса, у ҳолда бундан шароитда ишлайдиган ГТларни тескари тиниқликка эга бўлган ГТлар дейилади.

Гидрозарбий трансформаторларнинг тиниқлик да-

ражаси тиниқлик коэффициенти "П" ҳарфи билан баҳоланиб, бу МТА барқарор шароитда ишлаётганда ГТ даги етакловчи валининг айланиш частотаси ўзгармас бўлиб, бақувватлик узатиш сони $K = \frac{N}{M}$, тахминан 1 га тенг бўлгандаги (яъни $M_h = M_t$), ушбу валдаги (яъни насосли фидирек ва-лидаги) буровчи моментнинг энг катта ва энг кичигининг ($M_h \text{ max}$ ва $M_h \text{ min}$) нисбатига тенгдир, яъни: $P = M_h \text{ max} / M_h \text{ min}$.

Тиниқлик коэффициенти П тахминан 1 га тенг бўлганда ГТни нотиниқ трансформатор, $P > 1$ бўлганда ГТни тиниқ трансформатор деб юритилади. Тиниқлик даражаси П, ГТнинг энг керакли диққатга сазовор ўлчамларидан бири бўлиб, у ҳар хил шароитда ишлашга мўлжалланган машиналарда уларнинг ишлатилиши ёки тадбиқ қилиниши мумкинлигини аниқлашга ёрдам берувчи коэффициентдир.

ГТларни ишлаш қобилиятини кўрсатувчи тавсифидан фойдаланиб уларни шартли равишда 3 та гуруҳга бўлиш мумкин. Тиниқ ГТлар (уларнинг тиниқлик коэффициенти 1,7 дан то 2,6 гача); ярим тиниқ ГТлар (тиниқлик коэффициенти 1,45 дан то 1,65 гача); нотиниқ ГТлар (тиниқлик коэффициенти 1,4 ва ундан паст);

Ушбу коэффициентлар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, уларнинг қиймати ГТ ишчи фидирекларидағи куракчаларнинг ўлчамларига ва йўналишига боғлиқдир. Бундан ташқари, тиниқлик коэффициенти ГТнинг етакловчи валини ҳаракатга келтирувчи двигателнинг қандай тартибда юкланишини ҳам аниқлашга ёрдам беради.

Агар ГТ ишлаш жараёнида ўзини ҳаракатга

келтирувчи двигатель валини юклаш хусусиятига эга бўлса, у ҳолда бундай ГТни юкловчи гидро-трансформатор деб аталади. Двигателнинг иш жараёнида юкланаётганлиги ёки юкланмаётганлигини ГТнинг зоҳирий тавсифини чизиш билан аниқлани мумкин.


Бу графиклар одатда насосли гидрирак валидаги M_n моментини уни ҳаракатга келтирувчи валнинг айланниш частотаси Π_n ни ўзгаришига қараб ўзгаришини кўрсатади. ГТни 44, 45-расмларда кўрсатилгандек зоҳирий тавсифини қуриш учун координата ўқларининг, яъни ордината ўқи бўйича буровчи моменит M_n ни эмас балки момент формуласи бўйича топилиши мумкин бўлган мутаносиблик коэффициенти λ_n ни (бошқа миқёсда) ва абцисса ўқи бўйича эса Π_n ни қийматларини қўйиб қурилади (46 ва 47 расмлар).

Момент тенгламасидан кўриниб турибдики, мана шу йўл билан қурилган график расм 44, 45-расмларда келтирилган графикка ўхшашидир, лекин у бошқа миқёсда чизилгандек кўринади. Нотиниқ тавсифга эга бўлган ГТда (яъни $\Pi=1$) нисбат

Π_t/Π_n нинг исталган қийматида мутаносиблик коэффициенти $\lambda = \text{const}$ ўзгармас, шунинг учун момент формуласига λ ни Π_n нинг ҳар хил қийматига мос келган қийматини қўйсак, координата ўқлари бўйича чизилган графикда фанат битта эгри чизиқни оламиз (46-расм.).


Тиниқ тавсифга эга бўлган ГТларда (яъни $\Pi>1$) нисбат Π_t/Π_n нинг ҳар бир қийматига мос мутаносиблик коэффициенти λ_n бор, шунинг учун момент формуласидан λ_n нинг ҳар бир қиймати учун M_n ни ҳисобласак, у ҳолда ҳар бир λ_n га

мос келувчи Мн ўзгаришини кўрсатувчи эгри чизикни (яъни графикни) оламиз.



46-расм. Нотиниқ тавсифга эга бўлган ГТнинг тавсифи ёки юкланишлик тавсифи.

Тиниқ тавсифга эга бўлган ГТнинг юкланишлик (юк кўтариш) тавсифи 46-расмда келтирилган.



47-расм. Тиниқ тавсифга эга бўлган ГТнинг юкланиш тавсифи.

Насоссли гидриракдаги буровчи момент ГТга кирувчи валдаги моментга тенглигини ёки бу моментларнинг ҳар бири ўз навбатида шу системани ҳаракатга келтирувчи двигатель моменти M_d га тенглигини инобатга олиб 47-расмда келтирилган зоҳирий тавсифларни, тиниқлиги ҳар хил бўлган ГТларни ҳаракатга келтирувчи двигателнинг юкла-

ниш хусусиятини изоҳловчи тавсиф деб қараш мумкин.

§3.3. ГИДРОЗАРБИЙ (ГИДРОДИНАМИК) ТРАНСФОРМАТОРЛАРНИНГ ТАСНИФИ

ГТларда бир донағина насосли гилдирак бўлиб, турбинали ва реактор гилдираклари бир нечта бўлиши мумкин.

Турбинали гилдиракнинг ГТда нечта бўлишига қарао улар бир ва бир неча погонали бўладилар.


1. Бир погонали ГТларда битта турбинали гилдирак бўлиб, бундай трансформаторларнинг кинематик кўринишлари 34-расмда келтирилган.

Насосли гилдиракдан сўнг турбинали гилдирак ўрнатилган ГТ 34-расм, б да кўрсатилган. Унинг тузилиши ва тузилмаси содда бўлиб, бошқа кўринишга эга бўлган ГТларга нисбатан ФИК юқори ва узатилаётган моментини кенг доирада ўзгартириш қобилиятига эгадир. Бундай ГТларда ФИК юқори ва тиниқлик коэффициенти 1,7 дан 2,6 бўлганда узатилаётган моментларнинг ўзгариш коэффициенти ёки кучлилик коэффициенти 1,7 дан 3,0 атрофида бўлади. Агар ушбу ГТ да тиниқлик коэффициенти 1,45 дан 1,65 гача бўлганда, узатилаётган моментлар коэффициенти 2,7 дан 3,4 гача кўтарилиши мумкин.

Тиниқлик коэффициенти 1,4 ва ундан кам бўлганда узатилаётган моментлар коэффициенти 3,9 га кўтарилади. Лекин охирги ҳолатда ГТда ФИК анча камаяди.

2. Икки погонали ГТ куракчалари ҳар хил йўналишда бажарилган иккита турбинали

ғилдиракка эга бўлиб, унинг схемаси 48-расмда кўрсатилган.




48 расм. Иккى погонали гидротрансформатор: 1-насосли ғилдирак; 2-турбинали ғилдирак; 3-рекуператор.

Бу расмдан кўриниб турганидек, турбинали ғилдирак 2 та куракалари бор чамбараклардан иборат бўлиб, бу чамбараклар кегай "К" билан боғланган. Ҳар бир чамбарак ўзига хос турбинали ғилдирак вазифасини бажаради, бирда суюқлик оқими марказдан қочирма ҳаракат олса, иккинчисда суюқлик оқими марказ томон ҳаракатда бўлади.

Иккى погонали ГТлар анча мураккаб бўлиб, буларда ф.и.к. = 0,86...0,93 ва. тиниқлик коэффициенти $\Pi=3,5$ бўлганда узатилаётган моментлар коэффициенти K_t ёки $\bar{M}=5$ гача етиб бориши мумкин.

3. Уч погонали ГТ учта турбинали ғилдиракка эга бўлиб, унинг кўриниши 49-расмда келтирилган.



49-расм. Уч погонали гидротрансформатор: 1-насосни гидрирак; 2-турбинали гидрирак; 3-реактор.

Турбинали гидрирак битта мураккаб гупчакка эга бўлиб, бунда 3 та чамбараксимон гидрираклар бор. Бу чамбараклар бир-бири билан "К" ҳарфи билан белгиланган кегайлар билан боғланган. Турбинали гидриракларни иккитасида суюқлик оқими марказдан қочирма ва бирида суюқлик оқими марказ томон йўналган. Бундай ГТларни яратишдан асосий мақсад узатилаётган моментларни миқдор жиҳатидан тубдан ўзгартириб узатиш ҳисобланган.

Хозирги вақтда ишлаб чиқилаётган уч погонали ГТда юкни ўзгартириб бериш коэффициенти, яъни трансформациялаш коэффициенти $\hat{u}=5$ дан то 8 гача бўлиб тиниқлик коэффициенти эса $\Pi=2,5$ га етиб боради. Бундай узатмаларда ф.и.к.нинг энг катта қийматлари трансформациялаш коэффициентининг кам қийматли доирасига тўғри келиб, унинг энг катта қиймати 0,86 дан ошмайди.

ГТларда реактор гидриагининг сонига қараб, бундай гидроузатмалар бир реакторли ва икки реакторли бўлади. Тракторсозлик саноатида бир погонали бир ва икки реактор гидриагига эга бўлган ГТлар кенг тарқалган.

§3.4. ГИДРОЗАРБИЙ (ГИДРОДИНАМИК) ТРАНСФОРМАТОРЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ ТАРТИБИ

ГТларни лойиҳалашада, гидромуфталарни лойиҳалашада кенг тарқалган ўхшатиш қондасидан, (усулидан) яъни ўхшатиш қонуниятидан фойдаланиладик. Бунинг учун зоҳирий тавсифи энг яхши бўлган ва ҳозирги вақтда кўп ишлатиладиган ГТнинг мавжуд конструкцияси тимсол тузилма деб қабул қилинади.


Ясалоётган янги тузилмани тимсол тузилмага ўхшатиб лойиҳаланаётганда ўхшатиш қонуни қондаси асос қилиб олинган.

Ўхшатиш қондаси қўйидагиларга асосланган: лойиҳаланаётган ва тимсол тузилмадаги ГТларни ФИК ва қўйиладиган суюқликнинг зичлиги бир хил бўлиши ва шу билан бирга бўлажак ва тимсол тузитмалардаги моментларнинг мутаносиблик коэффициентининг ҳам бир-бирига teng бўлиши кўзда тутилган: $\lambda_{\text{тим}} = \lambda$.

Лойиҳалашни қўйидаги тартибда олиб бориш тавсия этилган:

1. Тимсол тузилмасини танлаш ва тажриба (синаш) йўли билан унинг зоҳирий тавсифини чизиш.
2. Момент формуласидан фойдаланиб, нисбат

М_т/М_н ҳар хил қийматлари учун $\rho \lambda_n$ ва $\rho \lambda_t$ нинг ўзгариш жусусиятини чизиш (50-расм).



50-расм. ГТ инг үлчамсиз (кенгаядиган) тавсифи

ГТ учун М_н=М_т ва $\rho \lambda_n \neq \rho \lambda_t$ ларнинг тенгсизлиги мавжуд бўлиб, улар орасидаги ўзаро алоқа тубандаги нисбатдан топилиши мүмкін:

$$M_n = g \rho \lambda_n n_n^2 D^5; M_t = g \rho \lambda_t n_t^2 D^5,$$

бу ерда $\frac{M_t}{M_n} = \frac{\lambda_t}{\lambda_n} \times \frac{n_t^2}{n_n^2}$ нисбат $\frac{n_t}{n_n} = \frac{4}{\pi}$ лигини кўзда тутиб юқоридаги ифодани

$M_t/M_n = \lambda_t/\lambda_n \times 4/\pi^2$ тарзида ёзиш мүмкін. Бундан ташқари $M_t/M_n = \bar{C} = \eta_{tr} \cdot \bar{U}$.

Бу тенгламаларни бир-бирига нисбатан ечиб, қатъий равища ушбуни топамиш:


$$\rho \lambda_n = \frac{\rho \lambda_t}{\eta_{tr} \cdot \bar{U}}$$

3. Лойиҳаланаётган ГТ учун шартли равища энг катта ФИКни таъминлаш мақсадида моментлар формуласи асосида унинг фаол диаметри D_н топамиш (бунига моментнинг мутаносиблик коэффициенти сифатида 50-расмда кўрсатилган С_нуктага мос келувчи унинг қиймати олинади).

4. Ҳар бир гидромуфтага тааллукли равища

бажарилганидек, ўхшатиб лойиҳаланаётган ГТ ишчи бўшлиғининг меридиан кесими чизилади.

Лойиҳаланаётган ГТни ва унинг бошқа элементларини, яъни подшипникларини, зичламаларини ва ҳ.к.ларини лойиҳалашибдан олдин унинг трактор двигатели билан биргаликда ишлаши мумкинлигини текшириш лозим. Бунинг учун трактор двигательининг тайёр созланиш тавсифига ($M_g = f(\eta_g)$) ёки трактор двигателининг тезликлар тавсифига тракторнинг ҳар хил шароитда ишлагандаги ГТси-нинг дастлабки тавсифи устма-уст чизилади (51-расм).



51-расм. Сидорзарбий трансформатор ва ички сарр двигателининг қўшия тавсифи.

Кириш тавсифидаги парабола чизиқларининг сони ГТнинг тиниқлик даражаси "П" билан аниқла-нади.

Расмда ГТнинг тавсиф чизиқлари двигателининг тавсиф чизиги билан кесишган 1, 2, 3 нуқтаслари бу икки агрегатнинг биргаликда юкланиш тартибини кўрсатади. Бунда ГТнинг энг яхши тортиш кучига эришиш учун тавсифдаги парабола чизиқларининг двигатель тавсифини кўрсатувчи момент чизигининг энг юқори қийматлари доира-

сида кесиб ўтишини таъминлаш ва бунга эришиш мақсадга мувофиқлир.

Бу эса двигателнинг ўз қувватининг энг бақувват (\max) доирасида кам солиштирма ёқилги сарғи билан ишлашини кўрсатади.

Мана шу шартларга эришиш ва уларни ҳосил қилишни 51-расмдаги парабола чизиқлар тұдасини чап томонга, яъни двигатель моментининг энг катта қийматлари доирасига ёки двигатель ўз қувватининг энг катта қийматларидан ҳосил қилган моментлар доирасига суриш билан амалга ошириш мумкин. Бунинг учун қуйидаги усуллардан фойдаланса бўлади.

1. Моментлар формуласи бўйича ГГнинг фаол диаметри қийматларини ўзгартириш йўли билан. Бунда ўз-ўзидан маълумки, ГГнинг фаол диаметрини ошириш M_h ни билдирувчи парабола чизиқларини чап томонга, яъни M_{\max} томон сурилишига ёки ундан узоқлашишига олиб келади.

2. Двигатель вали билан ГГ ўртасига узатиш сони U_p бўлган механик узатмани (содда тишли узатма - редукор ёки сайдеравий узатма) ўрнатиш йўли билан. У ҳолда моментлар тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$M_h = g \cdot P \lambda_h \left(\frac{n_3}{U_p} \right)^2 D^5$$

Ўрнатилиши керак бўлган механик узатма узатиш сонининг ошиши парабола чизиқларини чап томонга суриш, узатиш сонини камайтириш эса ушбу чизиқларни ўнг томонга суриш имкониятини яратади.

§3.5. МЕХАНИК УЗАТМАЛИ ГТлар (ГИДРОМЕХАНИК УЗАТМАЛАР)

ГТларнинг бақувватлик доираси анча кам бўлиб, машина-трактор агрегати (МТА) ишлаётганда унда юсил бўладиган қаршиликларни тўла эгаллашга курби етмайди. МТАнинг тортиш кучи доирасини кенгайтириш мақсадида ГТларга механик узатмалар қўшилади. Унбу узатмаларни бир-бири билан қўшиш кетма-кет ёки мувозий боғланишда бўлшини мумкин. Мана шундай қўш боғланишда бўлган узатмалар гидромеханик узатмалар деб ном олган.

Узатмалари кетма-кет равишда боғланган гидромеханик узатмаларнинг фойдали иш коэффициенти кинематик ва бақувватлик узатиш сони худди шу узатмалар ФИК, кинематик ва бақувватлик узатиш сонларининг кўпайтмасига tengdir. Шунинг учун мазкур узатмаларнинг тортиш кучи доираси кең бўлиб, ФИК паст бўлади.

Агар боғланувчи узатмалар бир-бирига нисбатан мувозий боғланса, у ҳолда уларнинг ФИК анча юқори бўлади. Охриги усулда боғланган гидромеханик узатмаларда узатилаётган қувват икки оқимда, яъни ГТ орқали ва механик узатма орқали узатилади.

Механик узатмалар сифатида ташқи ёки мураккаб илашишда бўлган планетар (сайёравий) узатмалар қўлланилган. Шунинг учун ГТ билан мувозий боғланган сайёравий қатор мажмуасини гидродифференциал (гидросайёравий) узатмалар деб юритилади.

Қўлланилаётган сайёравий қатор бўлакларини

(унсурларини) ГТ билан ҳар хил йўсида боғлаб, гидромеханик узатманинг ҳар хил кўринишдаги тузилмаларини яратиб олишиниз мумкин.

ГТга нисбатан дифференциал (сайёравий) механизмининг жойлашишига қараб, гидромеханик узатмаларда дифференциал узатмалар унинг олдида ёки орқасида ўрнатилиши мумкин. ГТнинг орқасида ўрнатилган дифференциал механизми гидромеханик узатмаларда двигатель томонидан уларга етказилаетган момент " M_3 " оқими иккни йўналишга бўлинаб, унинг бир қисми ГТ орқали ва иккинчи қисми эса механик узатма, яъни дифференциал узатма орқали узатилади.

Сайёравий узатмалариниг ГТга нисбатан ҳар хил йўсинда ўрнатилиш тартиби ва рамзий тасвири қўйидаги жадвал 1да акс эттирилган. Жадвалда кўрсатилган гидромеханик узатмаларнинг 6 тасида дифференциал механизми ГТнинг орқасига, 6 тасида эса ГТнинг олдига жойлаштирилган. Ушбу узатмаларда туташган берк кучлилик оқими мавжуд бўлиб, бу лар ГТнинг таркибида маълум бир доира бўйлаб ҳаракатда бўлувчи гир айланма қувват Н₄ ни пайдо қилиши мумкин (кВт).





Гир айланма қувватнинг пайдо бўлиши белгисига қараб, механизмлари мувозий жойлаштирилган гидромеханик узатмалар қўйидаги гуруҳли узатмаларга, яъни гир айланма қуввати бор ва гир айланма қуввати йўқ узатмаларга бўлинади.

Гир айланма қувват пайдо бўладиган узатмаларда двигателнинг қуввати бир оқим билан етакла-нувчи валга етказилганда гидромеханик системанинг туташган берк доирасида гир айланма қувват оқими пайдо бўлиб, бу айланма қувват ГТ ни ёки дифференциал механизми бўғинларини кўшимча равишда юклайди.





Гирохроник жадапчылар

Балансынан



1-Жадба.

Схемалари	Параметрлер	Схемалари	Параметрлер
Механик үзатма ГТ шарының күшінен өзгөттөрүлөнүү	$U_{m1} = \frac{(1+k) \cdot U_f}{U_f + K}$ $\tilde{U}_{m1} = \frac{(1+k) \cdot U_f}{U_f + K}$ $U_{m2} = \frac{(1+k) \cdot U_f}{U_f + K}$ $\tilde{U}_{m2} = \frac{(1+k) \cdot U_f}{U_f + K}$ $U_{m3} = \frac{(1+k) \cdot U_f}{U_f + K}$ $N_2 \neq 0$	 $U_{m1} = \frac{U_f}{1+k - K \cdot U_f}$ $\tilde{U}_{m1} = \frac{U_f}{1+k - K \cdot U_f}$ $U_{m2} = \frac{(1+k - K \cdot U_f) \cdot U_f}{(1+k - K \cdot U_f) \cdot U_f + K}$ $N_2 \neq 0$	 $U_{m1} = \frac{U_f}{1+k - \frac{K}{U_f}}$ $\tilde{U}_{m1} = \frac{U_f}{1+k - \frac{K}{U_f}}$ $U_{m2} = \frac{(1+k - K \cdot U_f) \cdot U_f}{(1+k - K \cdot U_f) \cdot U_f + K}$ $N_2 \neq 0$
Механик үзатма ГТ шарының күшінен өзгөттөрүлөнүү	$U_{m1} = \frac{(1+k) \cdot U_f}{U_f + K}$ $\tilde{U}_{m1} = \frac{(1+k) \cdot U_f}{U_f + K}$ $U_{m2} = \frac{(1+k) \cdot U_f}{U_f + K}$ $\tilde{U}_{m2} = \frac{(1+k) \cdot U_f}{U_f + K}$ $U_{m3} = \frac{(1+k) \cdot U_f}{U_f + K}$ $N_2 \neq 0$	 $U_{m1} = \frac{K \cdot U_f}{1+k - U_f}$ $\tilde{U}_{m1} = \frac{K \cdot U_f}{1+k - U_f}$ $U_{m2} = \frac{(1+k - U_f) \cdot U_f}{(1+k - U_f) \cdot U_f + K}$ $U_{m3} = \frac{(1+k - U_f) \cdot U_f}{(1+k - U_f) \cdot U_f + K}$ $N_2 \neq 0$	 $U_{m1} = \frac{K \cdot U_f}{1+k - \frac{K}{U_f}}$ $\tilde{U}_{m1} = \frac{K \cdot U_f}{1+k - \frac{K}{U_f}}$ $U_{m2} = \frac{(1+k - K \cdot U_f) \cdot U_f}{(1+k - K \cdot U_f) \cdot U_f + K}$ $U_{m3} = \frac{(1+k - K \cdot U_f) \cdot U_f}{(1+k - K \cdot U_f) \cdot U_f + K}$ $N_2 \neq 0$

1-нчи жағдайлардың дағыны.

Схемалар	Параметрләр	Схемалари	Ресонанс
	$U_{TAN} = \frac{KU_r}{KU_r + U_r - 1}$ $\tilde{U}_{TAN} = \frac{K\tilde{U}_r}{K\tilde{U}_r + \tilde{U}_r - 1}$ $Z_m = \frac{(KU_r + U_r - 1)U_r}{(KU_r + U_r - 1)U_r}$ $M_2 \neq 0$		$U_{TAN} = \frac{(1+K)U_r}{KU_r + U_r - 1}$ $\tilde{U}_{TAN} = \frac{(1+K)\tilde{U}_r}{K\tilde{U}_r + \tilde{U}_r - 1}$ $Z_m = \frac{(KU_r + U_r - 1)U_r}{(KU_r + U_r - 1)U_r}$ $M_2 = 0$
	$U_{TAN} = 1 + K - KU_r$ $\tilde{U}_{TAN} = 1 + K - K\tilde{U}_r$ $Z_m = \frac{1+K-K\tilde{U}_r}{1+K-KU_r}$ $M_2 \neq 0$		$U_{TAN} = \frac{U_r + K}{1+K}$ $\tilde{U}_{TAN} = \frac{\tilde{U}_r + K}{1+K}$ $Z_m = \frac{\tilde{U}_r + K}{U_r + K}$ $M_2 = 0$

Механик үзатма ГТНИИГ кириш өткөнде үрнатылғаны

Схемотипы	Параметры	Схемотипы	Параметры
$\hat{U}_{T1} = \frac{U_{T1} - U_T}{K}$ $\hat{U}_{T2} = \frac{U_{T2} - U_T}{K}$ $N_4 \neq 0$	 n_1 n_2	$\hat{U}_{T1} = \frac{U_{T1} - U_T}{K}$ $\hat{U}_{T2} = \frac{U_{T2} - U_T}{K}$ $N_4 \neq 0$	 n_1 n_2
$\hat{U}_{T1} = \frac{K(U_T - U_{T1})}{1 + K}$ $\hat{U}_{T2} = \frac{K(U_T - U_{T2})}{1 + K}$ $N_4 \neq 0$	 n_1 n_2	$\hat{U}_{T1} = \frac{K(U_T - U_{T1})}{1 + K}$ $\hat{U}_{T2} = \frac{K(U_T - U_{T2})}{1 + K}$ $N_4 \neq 0$	 n_1 n_2
$\hat{U}_{T1} = \frac{K(U_T - U_{T1})}{1 + K}$ $\hat{U}_{T2} = \frac{K(U_T - U_{T2})}{1 + K}$ $N_4 = 0$	 n_1 n_2	$\hat{U}_{T1} = \frac{K(U_T - U_{T1})}{1 + K}$ $\hat{U}_{T2} = \frac{K(U_T - U_{T2})}{1 + K}$ $N_4 = 0$	 n_1 n_2

БІОХІМІЧНА ЗАЛЕГЛОСТЬ
ВІДНОСИТЬСЯ ДО ПОДІБНОСІЙ
ІЗОЛЮЦІІ ІЗОЛЮЦІІ

Натижада механик (дифференциал) ёки гидравлик узатма бўғинлари орқали N_d нинг бўлиннишидан ҳосил бўлиб узатилаётган N_m ва N_r қувватларининг миқдори шу системанинг туашган берк тармогида ҳосил бўлган гир айланма қувват оқими N_c га ошро келди:

$$N_d < N_r + N_c \text{ ёки } N_d < N_m + N_c$$

Бундан ташқари ушбу системада қўйидагилар мавжуд:

$$N_d > N_m + N_r + N_c$$

Бунда гидромеханик узатманинг умумий ФИКи


η_{rm} гидроузатма (ГТ) бўгинининг - η_r ФИКдан кичик ($\eta_{rm} < \eta_r$) ва умумий бақувватлик узатиш сони эса якка гидроузатма бўгинининг (ГТ) бақувватлик узатиш сони $\hat{\eta}$ дан катта:

$$\hat{\eta}_{rm} > \hat{\eta}_r$$

Шундай қилиб, гир айланма қувватга эга бўлган узатмаларнинг мазмун жиҳатидан етакланувчи валига узатилаётган қувватининг бир оқимда бораётганлигини назарла тутиб, уларни дифференциал узатма деб атамаса ҳам бўлади. Бундай узатмалардан узатишлиғ сонини кўпроқ қамраб оладиган узатмаларга талаб бўлган тақдирдагина фойдаланиш мумкин.

Гидромеханик узатмаларнинг энг асосий кўрсаткичлари сифатида уларнинг ФИК, кинематик ва бақувватлилик узатиш сонлари хизмат қиласи. Мана шу кўрсаткичларни аниқлаш йўлларини тушунтириш учун дифференциал механизми яъни механик узатмаси ГТдан чиқишида жойлшаган гидромеханик узатмаларнинг гир айланма қувватсиз (52-расм, а) ва гир айланма

қувватли (52-расм, б) иккита рамзий тасвирини кўриб чиқамиз.



52-расм. Гидромеханика узатмаларининг ишлами йўллари: а-ГТ ишлашида гир абланинга қувват мавжуд эмес; б-ГТ ишлашида гирайланма қувват мавжуд.

52-расм, а да кўрсатилган рамзий тасвирида движителдан келаётган куч оқими тармоқларга бўлингган (тасвирида ушбу ҳолат узлуксиз чизикларининг мил белгилари билан кўрсатилган).

Бунда куч оқимининг бир қисми (оқими) гидроўзгартиргич орқали планетар (сайёравий) қаторнинг бош (тож) ғилдирагига ва ундан водило (башар)га, иккинчи қисми (оқими) эса қуёшсимон ғилдираги орқали яна водилога йўналган.

Гидромеханик узатма томон йўналтирилган икки куч оқими, водилода қўшилиб етакланувчи валга етиб келади. Системадаги дифференциал узатманинг узатишлар сони сайёравий қаторнинг кинематик тенгламаси ёрдамида аниқланади. Бунда Виллис формуласидан фойдаланилади:

$$n_a - n_b (1+k) + n_c k = 0$$

Биз таҳлил қилаётган схемада

$$n_a = n_h = n_1, \quad n_b = n_2, \quad n_c = n_t$$

бўлиб, бу ерда n_h , n_2 , n_t - белгиланишига муносиб равишда насосли ғилдиракнинг, водилонинг ва турбинали ғилдиракнинг айланиш частотасидир.

Гидроўзгартиргичнинг ва гидромеханик узатманинг кинематик узатиш сони: $U_r = \frac{n_h}{n_t}$; $U_{rm} = \frac{n_h}{n_2}$.

Шундай қилиб, гидромеханик узатма бўлаклари орасидаги кинематик боғланишини қўйидаги тенглама кўринишида кўрсатиш мумкин:

$$n_1 - n_2 (1+k) + n_t k = 0,$$

$$\text{еки } n_1 - n_2 (1+k) = (n_t / n_h) \cdot n_h \quad k = 0,$$

ушбу формуладан

$$n_1 (1+k/U_r) - n_2 (1+k) = 0$$

Тайер ҳолатда қўйидагини оламиз:

$$U_{rm} = \frac{n_1}{n_2} = \frac{U_r (1+k)}{U_r + k} = \frac{1+k}{1+k/U_r}$$

Таҳлил қилинаётган схеманинг бақувватлик узатиш сони \hat{U}_{rm} ни топиш учун бу схемани бўлакларга ажратиш усулидан фойдаланилади.

Механизмларни бўлакларга ажратишнинг туб маъносини қуидагича тушутириш мумкин.

Урганилаётган механизм барқарор ҳаракатда деб фараз қилинб, гидромеханик узатма бўлакларини, яъни кириш вали, гидротрансформатор, сателлит (сайёра ғиддираги) ва чиқиш валларини алоҳида-чиқида қараб, ҳар бир бўлакнинг мувозанат ҳолати аниқланади.

Агар механизмнинг бирон-бир исталған бўлагига фаол куч таъсир этмасдан, акс таъсир кучи таъсир этса, бу шу механизмнинг бўғимида гир айланма қувват борлигини билдиради. 52-расм, а да кўрсатилган узатмада, фараз қилайлик етакловчи вал (кириш вали)нинг айланиш частотаси n_1 қиймати ва унинг йўналиши ҳамда момент M_2 нинг қиймати ва йўналиши маълум бўлсин. (Бунда ушбу қийматларниң йўналиши соат миллиарнинг йўналишида бўлиши мумкин).

Шу механизмдан чиққан вал ҳам (етакланувчи вал) худди етакловчи валдек йўналишида айланади ва унинг айланиш частотаси n_2 бўлади, деб фараз қилайлик. Бунда етакланувчи валда M_2 қаршилилк моменти пайдо бўлиб, унинг йўналиши ҳар доим ушбу валнинг айланishiiga қарама-қаршидир. Мана шу мулоҳазаларни назарда тутиб, қаралаётган механизмнинг рамзий тасвиридаги бўлакларга таъсир этувчи моментлар йўналиши билан қўйиб чиқамиз.

Диққат билан қаралса, механизм бўлакларига таъсир қилаётган момент шу бўлаклар айланиш йўналишида эканлигини пайқаш қийин эмас. Демак механизм бўлакларига таъсир этувчи акс таъ-

сир кучлар йўқ. Шунинг учун бу механизмда гир айланма қувват доираси ҳам йўқ.

Агар $M_1 = M_h + M_a$ бўлса, етакловчи (кириш) вал мувозанатда бўлади, бу ерда M_h , M_a - белгиланишига мувофиқ кириш (етакловчи) валидан насос ғилдираги валига ва қўёшсимон ғилдираги валига етказилаётган моментлардир, Н.м.

Сайёра ғилдирагининг мувозанат шартидан шулар келиб чиқади:

$$P_c = P_b = M_b / (2A_b).$$

Бу ерда $P_c = M_c / A_c$ тож ғилдиракдаги куч, H ; $P_b = M_a / A_a$ қўёшсимон ғилдиракдаги куч, H . $A_b = (A_a + A_c) / 2$ лигини назарда тутиб, қуйидагини оламиз:

$$M_b = M_2,$$

бу тенгламадаги a , b , c белгиларининг сайёравий қатор бўлакларига, яъни қўёшсимон ғилдираги, водило ва тож (бош) ғилдираклари параметларига алоқаси борлигини билдиради.

Қўёшсимон ва бош ғилдираклардаги моментлар ўз навбати билан қуйидагиларга тенг:

$$M_a = M_2 \frac{A_a}{A_a + A_c} = M_2 \frac{1}{1+K};$$

$$M_c = M_2 \frac{A_c}{A_a + A_c} = M_2 \frac{K}{1+K}.$$

ГТнинг насосли ғилдираги томонидан узатилаётган момент:

$$M_h = M_r / \bar{U}_r = M_c / \bar{U}_r = M_2 K / [\bar{U}_r (1+K)].$$

Етакловчи валнинг мувозанат шартидан келиб чиқиб қуйидагини топамиз:

$$M_i = M_2 \frac{K}{\bar{U}_r (1+K)} + M_2 \frac{1}{1+K}.$$

Шундай қилиб, гидромеханик узатманинг бақувватлик узатиш сони:

$$\hat{U}_{rm} = \frac{M_2}{M_1} = \frac{\hat{U}_r(1+K)}{\hat{U}_r+K} = \frac{1+K}{1+K/\hat{U}_r}$$

Таҳлил қилинаётган узатманинг ФИКи

$$\eta_{rm} = \frac{\hat{U}_{rm}}{U_{rm}}$$

Бу ерда $\eta_{rm} > \eta_r$ дан катта эканлиги кўриниб турибди. 52-расм, б да, 52-расм, а да кўрсатилган рамзий тасвирга ўхшаш тузилма кўрсатилган бўлиб, бу ерда ГТ сайёравий қатор бўлаклари билан бошқача усулда боғланган.

Қаралётган рамзий тасвирда сайёравий қаторнинг водилоси ГТнинг турбинали ғилдираги билан, бош ғилдирак эса тўғридан-тўғри етакланувчи вал билан боғланган.

52-расм, б да худди юқоридагидек (52-расм, а) M_1 ва M_2 қиймати ва йўналиши ҳамда айланиш частоталари n_1 ва n_2 лар маълум деб қаралади.

Тузилмадаги сайёравий қаторнинг сайёра ғилдирагининг мувозанат шартидан кўриниб турибдики, қуёшсимон ғилдирагига сайёра ғилдирагидан таъсир этувчи куч ва момент ҳамда кириш валидан қуёшсимон ғилдирагига таъсир этувчи моментлар бир томонга йўналган бўлиб, худди сайёра ғилдирагини етаклаётгандек бўлади.

Бунда механик узатмали бўғин ўз навбатида гир айланма қувватини маълум доирада узатаётгандек туюлади (ўрганилаётган рамзий тасвирда 52-расм, б) гир айланма қувват оқими узлукли чизик билан кўрсатилган). Шундай қилиб, механик узатма ўзи томонидан узатилаётган моментдан ташқари гир айланма қувват оқими билан юкланган.

1-жадвалда келтирилган рамзий тасвиirlарни таҳлил қилиб шуни айтишимиз мумкинки, қаралаётган ҳар бир дифференциал қатор учун (масалан, аралаш илашмада бўлган қаторлар учун) унинг олти хил тасвири мавжуд бўлиб, уларнинг тасвирини ҳосил қилишда иккитасида гир айланма қувват йўқ бўлиб чиқади. Иккитасида гир айланма қувват гидравлик бўгинни қўшишмча юклайдиган ва ниҳоят 2 тасида гир айланма қувват механикавий бўгинни юклайдиган бўлиб чиқсан.

§3.6. ГИДРОЗАРБИЙ (ГИДРОДИНАМИК) ТРАНСФОРМАТОРЛАРНИНГ ТУЗИЛМАЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ

Гидрозарбий трансформаторли (ГТ) узатмаларнинг қўлланиш соҳаси ўзига хосдир. Шунинг учун бундай узатмалар энг ривожланган хорижий мамлакатларда ва бизда кўплаб ишлаб чиқарилмайди.

ГТларда кечадиган юкни кўтара олиш ёки узатиш хусусиятлари маълум бўлса-да, лекин уларни ушбу хислати (хусусияти) двигатель ишлайдиганда унда кенг доирада ўзгарадиган қувватни қоплай олмайди. Двигателнини бутун иши жараёнларида кечадиган юкланишини қоплаш учун ГТларнинг ҳар хил юк узатиш ёки юк кўтариш қобилиятига эга қилиб ясалишини тақозо этади.

Маълумки, ишлаб чиқарилаётган тракторлар ҳар хил мақсадлардаги вазифа ва ишларни бажариш учун мўлжалланган.

Агар ҳар хил вазифаларни бажариш учун мўлжалланган тракторлар учун гидроузатмалар

ишлаб чиқилиши талаб қилинса, у ҳолда юк узатыш қобилияти ҳар хил бўлган кўп қиррали хусусиятларга эга бўлган ГТларнинг кўп сонли тузилмасини ишлаб чиқишга тўғри келади.

ГТларни ишлаб чиқишида мана шу ҳолатга эришишини енгиллаштириш мақсадида фақат бизда эмас, балки ГТларни ишлаб чиқариш учун мослаштирилган чет эл фирмаларида ҳам уларни ташкил этувчи бўлак ва қисмларини унификациялаш (бир хиллаштириш) масаласи қўйилган. Бу масалани ечиш ва унга эришиш ГТларни ишлаб чиқариш соҳасида катта муаммо бўлиб турибди.

Умуман олганда гидрозарбий узатмалар икки қисмдан ташкил топади: суюқлик оқими ва унигирилайланнишини ташкил этувчи қисм (бунда биринчи қисм гидрозарбий узатманинг нақ ўзгинасига)дир, иккинчи қисм эса тайёр мукаммал бўлаклар йигитларидан иборат бўлган механик механизmdir. Тайёр мукаммал механизмларга тармашиц мұфтаси, подшипниклар яни таянч қисмлар, тўйдирувчи қурилма, қўзгалувчан улама вал ва шу валининг охирига ўрнатилган юмaloқ ясси гупчакли диск ва ҳоказолар киради.

ГТларни лойиҳалашда иштирок этадиган мукаммал бўлакларни бир хиллаштириш мақсадида уларни гурӯҳларга бўлиш ҳозирги вақтда машинасозликда қўлланилаётган бир хиллаштириш усуллари билан олиб борилади. Уларнинг бир қатор параметрлари чет элда ишлатиладиган SAE стандарти асосида бажарилмоқда ва бирхиллаштирилмоқда.

Умуман гидрозарбий узатмаларни бир хиллашти-

ришда қўлланадиган усуллар тавсифи батафсил махсус адабиётларда келтирилган.

Гидротарисформаторларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш ривожланган чет эл мамлакатларида кенг йўлга қўйилган, мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида эса бундай узатмаларни тракторсозлиқда қўллаш ва уларнинг тузилмасини такомиллаштириш билан НАТИ ходимлари ва ҳолаверса мамлакатимиздаги энг йирик трактор корхонаси ходимлари шугулланмоқда. Энди ГГларнинг чет эл ва мустақил давлатлар ҳамдўстлигида (МДҲ) ишлаб чиқарилаётган тузилмалари билан танишиб чиқамиз.

§3.7. ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАТТАН ГИДРТРАНСФОРМАТОРЛАР ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

1970 йилларда АҚШда ишлаб чиқилаётган енгил автомобилларнинг 90 фоизига гидромеханик узатмалар ўрнатилгани маълум. Ҳозирги вақтда АҚШда гидроюритмаларни ишлаб чиқаришга Твин-Диск, Кларк ва Аллисон фирмалари мослаштирилган.

Твин-Диск фирмаси асосан тракторлар ва шунга ўхшаш машиналар учун дунёда энг кўп ГГлар ишлаб чиқарадиган йирик фирма ҳисобланади. Бу фирманинг бу соҳзадаги ихтиёрлари ва эришган ютуқлари асосида бошқа давлатларнинг фирмалари уларни сотиб олиб, ўзида ишлаб чиқармоқда.

Фирма томонидан ҳозирги вақтда ГГларнинг 9 хили ишлаб чиқарилаётган бўлиб, шулардан 2 хили уч погонали (серияси 8800, 3 хил нусхада)


ва 6 кили бир погонали (нускалари 1, 4, 6, 7, 8, ва 8а)дир. Ишлаб чиқарилаётган ГТлар бир-бирларидан ишчи бўшлиғининг ва уларда гир айланадиган суюқлик оқимининг шакли ва ишчи гилдиракларга суюқлик кирадиган ва чиқадиган куракча қирраларининг жойлашиш радиуси билан ажралиб туради.

Фирма 105 кВт қувватни узата оладиган ГТлар ишлаб чиқармоқда. Уч хил нусхадаги ГТларни З-инчи хил нусхасига тааллуқли бўлганилари уч погонали ГТлар бўлиб, улар асосан қуввати 80 кВтга тенг бўлган двигателлар учун мўлжалланган.

Чет эл тракторсозлигида (айниқса қишлоқ хўжалик тракторларида) Твин-Диск фирмасининг бир погонали ГТларини олти хилидагисидан б-инчи нусхаси (намунаси) жуда кенг тарқалган. Мана шу ГТнинг "С" ҳарфи билан тамгалангани ва серијаси 1300 бўлгани 53-расмда кўрсатилган.

Бу ерда "С" ҳарфи гидротрансформаторда ишқаланма тармашиш муфтаси борлигини билдиради. ГТнинг ҳамма бўлаклари қалин қобиқ 7 ва шу қалин қобиқнинг олд қопқоғи 6 ичига жойлаштирилган бўлиб, қалин кобиқ 7 ни тагида ишчи суюқлик учун мўлжалланган 11 бўшлиғи бор.

Олд қопқоқ 6 нинг ўрта қисмида бўлмаси бўлиб, бу ГТ учун ҳам қопқоқ, ҳам таянч вазифасини ўтайди. Бўлманинг олд бўшлиғига тармашиш муфтаси 2 ўрнатилган. Олд қопқоқ 6 даги бўлма тармашиш муфтасини ГТ қисмидан ажратиб туради.



53-расм. Твин-Диск фирмаси томонидан ишланган бир погонали ГТнинг 6-инчи измуна тузилмаси: 1-ишқелапма муфтасининг етаклануучи вали; 2-ишқелапма муфта; 3- насосли гидриракниң қопқоғи; 4-реактор гидрираки; 5-турбиналы гидрирак; 6-ГТ күйма қобигининг олд қолы; 7-ГТнинг күйма қобиги (картер); 8-насосли гидрирак; 9-насосли гидриракниң гүпчаги; 10-ГТни етаклануучи вали; 11-ишиң суюқлик учун бүшликтік.

Бир дискли ва қуруқ шароитда ишлайдиган, дисклари номунтазам равишида жипслашадиган муфта насосли гидрирак қопқоғи 3 га ўтқазилган вал 1 нинг конуссимон учига призмасимон шпонка (қўйма) ёрдамида ўрнатилган. Муфта валининг бошлангич қисми ўзидағи подшипник орқали бўйинли бурма валнинг орқа қисмидаги ўйилган пастқам ўйикқа таяниб туради. Вал 1 нинг орқа қисми анча мураккаб кўринишга эга бўлиб, унинг орқасида дисксимон флянеци яъни гардиши бор. Бу гардиш насосли гидрирак 8 нинг қопқоғи 3

билан тишли муфта ёрдамида бириккан. Тишли ярим муфтанинг ич қисмидаги цилиндросимон ўйиқ бўлиб, шу ўйиқка турбинали гилдирак 5 вали 10 учидағи олдинги подшипник таянган.

Вал 1 даги гардишнинг орқа томонидаги силлиқ цилиндрик юза ва қопқоқ 6 бўлмаси гупчаги ичидаги кичик тешик оралиги зичлама билан зичланган.

Реактор гилдираги 4 ўзининг гупчаги билан қалин қобиқ 7 гупчагига гупчаксимон деталь ёрдамида бириккан. Муфта 2 нинг етакловчи диски исканжага олиб ясалган нометалл хом ашёдан ясалган бўлиб, унинг ташқи юзасига қирқилган шлицаини тиши двигатель маховигидаги шлица-нинг тиши билан бириккан. Насосли гилдирак 8 билан қопқоқ 3 ўртасидаги бўшлиққа турбинали гилдирак 5 ва реактор 4 жойлаштирилган. Насосли ва турбинали гилдираклар ўзларининг ишчи бўшлиқларидағи куракчалари билан биргаликда алюминий қотишмасидан қўйиб ясалган.

Насосли гилдирак 8 гупчагига тишли гилдирак 9 ўрнатилган бўлиб, ушбу тишли гилдирак система-мадаги мой насоси юритмасини ҳаракатга келтиради. Турбинали гилдирак 5 ўзининг гупчагидаги шлициаси билан 10-валдаги шлица билан бирикма ҳосил қилган.

Реактор гилдираги 4 қўш деталлардан ташкил топган бўлиб, унинг асосини ўзи юпқа металлдан исканжалаш йўли билан ясалган. ГТнинг ишчи гилдираклари ички тарнов билан таъминланган.

АҚШдаги "Кларк" фирмаси ГТлар ишлаб чиқариш суръати жиҳатидан иккинчи ўринда турдиган ишлаб чиқариш корхонасиadir. Фирма то-

монидан ишлаб чиқариладиган ГТлар уч
ғилдиракли бўлиб, насоси ва турбинали
ғилдираклари бир-бирига нисбатан симметрик жой-
лаштирилган. Ушбу ГТлар асосан саноат трактор-
ларида ва йўл қурилиши машиналарида
қўлланилишга мўлжалланган.

Худди шунга ўхшаган ГТларни инглиз фирмаси
Сельф-Чанжинг, француз фирмаси Гинар ва не-
мис (олмон) фирмаси Фойт ишлаб чиқармоқда.

Кларх фирмасининг ГТлари тўрт хил қўринишига
бўлиб, 750 кВт гача бўлган қувватни узатиш-
га мўлжалланган. ГТларнинг биринчи хилидан
тортиб то тўртинчи хилигача ўзларига мос ра-
вишда двигателининг қуввати 55, 190, 500 ва
1000 от кучига эга бўлган тракторларда
қўлланилиши мумкин.


ГТ турлари тамгаларининг ҳар бирида сериялари
бор. ГТларнинг 2, 3, 4 хил турлари 270, 8000
ва 16000 серия рақамлари билан белгиланган.

Тамғаси ва серияси 270 рақами билан белгилан-
ган ГТнинг қўриниши 54-расмда кўрсатилган.

ГТда мустақил қурилма бўлиб, бунга тўйдирувчи
насос 12 киради. Насоснинг вазифаси системадаги
суюқликни совитиб, асосий гидроузатмани мой билан
таъминлаб туришдан иборатdir.

Қалин қобиқдаги суюқлик сақланадиган бўшлиқ
насос билан қувурлар ва ёпагон (клапан) қурил-
малари билан боғланган.

ГТнинг чўяндан ясалган қалин қобиги двигатель
асосига ўрнатилиб, унинг маховигидан ГТ бевоси-
та ҳаракат олади. Ишчи ғилдираклар куракчалари
билан биргаликда алюмин қотишмасидан қўйма
йўли билан тайёрланган.



54-расм. Кларк фирмасининг 270 сериядаги гидротарисформаторининг тузилмаси: 1-турбина гидриракининг вали; 2-втулка; 3-турбинали гидриракининг гупчаги; 4-насосли гидриракининг қопқоли; 5-турбинали гидрирак; 6-гидротарисформаторининг чўяндан сасалган кўйма қобиги; 7-насосли гидрирак; 8-ректор; 9-насосли гидриракининг гупчаги; 10-втулка; 11-реактор ўқи; 12-мой билан таъминловчи насос; 13-насосининг юритмаси; 14-мой насосини ҳаракатта келтирувчи стакловчи тишни гидрирак; 15-юк узатувчи юртманинг тишни гидрираки; 16-юк узатувчи тишни гидрирак жуфти; 17-юк узатувчи узатуманинг стакланувчи вали; 18-кардан вали учун ваҳдаги дискили гупчак; 19-стакланувчи вал тирагининг қопқоли; 20-юк узатувчи юртманинг стакланувчи гидрираги; 21-қален қобиқдаги деворча; 22-бўлманинг қопғои.

Ишчи гидриаклардаги куракчаларнинг шакли ва йўналиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар бошқа фирма томонидан ишлаб чиқилаётган гидрирак куракчаларидан ажralиб туради.

Кларк фирмаси чиқарган ГГларнинг куракчалари

қисқароқ ва ғилдираклар бўшлиги қисмига монанд бўлганилиги сабабли, улар нотиниқ гидротрансформаторлар тавсифига хос тавсифга эга.

Реактор ғилдираги бу ГТларда қўзғалмас қилиб ўрнатилган ва уларда ўздирувчи муфта йўқ.

ГТнинг ҳамма деталлари чўяндан ясалган қалин қобиқ б ичига йигиштирилган бўлиб, бу қобиқ ўз навбатида двигателъ асоси билан боғланган. Қалин қобиқнинг ўрта қисмida ички томонидан бироз туртиб чиқсан ҳалқасимон бўртифи бўлиб, бу бўртиққа қопқоқ 22 ўрнатилган. Қопқоқ бўлма вазифасини бажариб, ГТ жойлашган ҳажмни меҳаник узатма ўрнатилган ҳажмдан ажратиб туради. Бўлманинг орқа томонида суюқлик жойлашдиган ҳажм бўлиб, унда насос 12 ни ҳаракатга келтирувчи тишли юритма 14 ва узатилаётган моментни кўпайтирувчи узатма 16 ёки кучлилик редуктори бор.

Двигателдан узатилаётган айланма ҳаракат маҳовикка ўрнатилган пўлатдан ясалган ғилдирак ва қопқоқ 4 таркибида қирқилган ғилдирак билан ички илашмада бўлиб, улар орқали насос ғилдираги 7 қопқоги вазифасини бажарувчи қопқоқ 4 га узтилади. Қопқоқ 4 пўлатдан қолип-лаш йўли билан ясалган бўлиб, ўз навбатида ҳаракатни насосли ғилдирак 7 га оширади. Натижада бу ғилдирак суюқликка қуввати бор оқим ато этиб, оқимни турбинали ғилдирак 5 га етказиб беради. Суюқлик оқими турбина ғилдирагидаги куракчаларга урилиб, вал 1 ни ҳаракатга келтиради ва айлантира бошлайди. Суюқлик оқими эса турбинали ғилдиракдан реак-

тор гилдираги 8 га ўтиб, сўнг насосли гилдиракка оқиб ўтади.

Айланамётган I валдаги буровчи момент тишли гилдирак 15 ва 20 лар орқали вал 17 га етиб келади. Вал 17 нинг орқа қисмидаги шлицага диксизмон гардиш, яъни ярим муфта ўрнатилган бўлиб, у кардан узатмаси билан бөгланган.

ГТ қалин қопқогининг орқа томонига суюқлик хайдовчи насоси 12 ўрнатилган.

Насосли гилдиракнинг гупчаги 9 нинг орқа томонига тишли гилдирак 14 ўрнатилган бўлиб, ундан суюқлик хайдовчи насоси ҳаракат олади.

Маълумки, ГТ ишлаганда мойнинг ҳарорати кўтарилади. Натижада мойнинг таркибида буғ зарралари эгаллаган майда ҳажмчалар пайдо бўлади. Агар ишчи суюқликнинг босими буғнинг парциаль босимидан камайиб кетса, у ҳолда ишчи суюқликда буғ аралашган шарсизон ҳажмчалар пайдо бўлади. Ушбу ҳодисанинг пайдо бўлиши ГТнинг ФИКни пасайтириб юборади. Мана шу холатни йўқотиш мақсадида ГТдаги суюқлик системасига клапан қурилмаси ўрнатилган (54-расмда шу қурилма кўзга ташланмайди).

Суюқлик гирдобидаги босими юқорида айтилган сабабларга кўра камайиб кетса, клапан қурилмаси ўз-ўзидан суюқлик гирдобига босим остида совитилган суюқликни юбора бошлайди. Системага киргаи янги суюқлик буғнинг порциал босимини камайтириб, суюқлик оқими босимини ошириб туради. Бу ҳодиса клапан қурилмаси ёрдамида ўз-ўзидан вужудга келтирилиб турилади.

Шу билан бирга клапан қурилмаси гидромеханик трансмиссиядаги ҳар доим илашмада турган тиш-

ли узатмаларни ишга туширинүү учун хизмат қиласынан мой босими билан ишлайдиган муфталар бустерини (поршенча ости җажмини) суюқлик билан таъминлаб туради. Уишибу клапан қурилмасыннинг юқорида ифодаланган хусусияти мой босими билан ишлайдиган муфталар ишида содир бўладиган шатаксираш ҳодисаларини ҳамайтиради ва узатиладиган моментни тўла-тўқас узатиб беришга имконият яратади.

АҚШдаги Аллисон фирмаси ГТлар ишлаб чиқаркичда дунёдаги энг йирик коркона ҳисобланади. Фирма томонидан ишлаб чиқилган ГТлар бир-бирига жуда ўхшашиб бўлиб, тузимаси жиҳатидан кам фарқ қилиб, 1400 от кучигача бўлган қувватни узата олади. Ишчи гидиракнинг фаол диаметрини ўзgartариш йўли билан Аллисон фирмаси тамошаниши етти кўринишда бўлган, яъни ТС-200; ТС-300; ТС-400; ТС-500; ТС-600; ТС-800; ТС-900 гидротрансформаторларни ишлаб чиқармокда. Бу фирманинг ГТлари бошқа фирмаларнидан ўзининг енгиллиги, ишчи гидиракларининг қолиланиши ва қўйма йўл билан олинганилиги, айланыш частотаси юқори бўлган двигателлар билан ишлай олиши, қутиси пўлатдан қўйилиб, деталларига иссиқлик энергияси билан ишлов берилганилиги (тобланганилиги), реактор гидирагининг ўзириши муфтасига жойлаштирилганилиги билан фарқ қиласи. Аллисон фирмаси чет зилларда икки реакторли ГТ ишлаб чиқарадиган ягона фирма ҳисобланади.

§3.8. МДҲА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН ГИДРОТРАНСФОРМАТОРЛАР

МДҲа ГТларни лойихалаш ва ишлаб чиқариш билан қатор илмий текшириш институтлари, йирик тракторсозлик корхоналарининг махсус чизмакорлик (конструкторлик) идоралари шуғулланади. Ана шу илмий даргоҳларга НАТИ, ВНИИ Стройдормаш, НАМИ, ЗИЛ, Бауман номли Олий техника ўқув юрти ва бошқалар киради.

Аммо ГТлар тузилишини шакллантириш ва бир хиллаштириш ҳамда шакллантирилган, бир хиллаштирилган ГТларни тракторларда ва йўл қурилиш машиналарида қўллаш ва уларни лойихалаш ва ишлаб чиқариш билан асосан НАТИ ва ВНИИ Стройдормаш илмий тадқиқот институтлари шуғулланади.

НАТИ МДҲдаги йирик трактор заводлари билан ҳамкорликда саноатда + ишлатиладиган трактор гурӯҳлари ва ҳар бир груҳдаги туркум тракторлар учун ГТларнинг типиклаштирилган (гурӯҳлаштирилган) бир қатор тузилмасини ишлаб чиқарган.

МДҲда трактор саноатини узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли ривожлантириш режаларини НАТИ ишлаб чиқади. Мана шу режалар асосида ҳозирги шароитда яратилиши керак бўлган тракторлар гуруди учун ГТларнинг туркум тузилмаси НАТИ томонидан ишлаб чиқилган.

Ана шундай бир гуруҳ гидрозарбий трансформаторларнинг тавсифи 2-жадвалда келтирилган.

1968-1980 йилдарда шараб өмүрлүгүн ба Тракторсозлик учун
Мүлжалынган Гидромеханик форматарларның гүруүчү
2-Жадый.

Күлгөнүшүү мүмкүн бүлгөн тракторлар классы (сүйфи)		Рижскат шукшорлар үзүүлүп 500 фут кВт.	Рижскат шукшорлар үзүүлүп 500 фут кВт.	Моменттүү мұтансаң- ник көзөн- чүсүнүү түшүнүүк көзөнүү чүсүнүү.	Моменттүү мұтансаң- ник көзөн- чүсүнүү түшүнүүк көзөнүү чүсүнүү.	Бүкөттөмас өнүкүү тапабын бүткүн а юборулбаштак күшүмнә шашу боскытадар ба күрүл- мачтар.		
1	2	3	4	5	6	7	8	9
LTP-3500	0,9-2,5 сүйфитар оду жөнүл ровли 1/ж чопик тракторларды чарнинг түрлери	ГТР-3501 ГТР-3502 ГТР-3503	ГТР-3501 оду жөнүл ровли 1/ж чопик тракторларды чарнинг түрлери	350 150 2900	4,2 4,4	4,2 4,4	4,3 4,7	4,3 4,7
LTP-3900	3,0-4,0 кийссүү оду жөнүл ровли 1/ж чопик тракторларды чарнинг түрлери	ГТР-3901 ГТР-3902 ГТР-3903	ГТР-3901 оду жөнүл ровли 1/ж чопик тракторларды чарнинг түрлери	390 200 2700	4,2 4,4	4,2 4,4	4,3 4,7	4,3 4,7
								2,0 2,0

ଶ୍ରୀ ପାତେଳ ଜଗନ୍ନାଥ

Есля нападат: 4. Ресум түрлөри чигүүг бүйнэх белгүүрчтэй гэдүүдийн төмөнгийн
хүчинчилж ажлыгийн хөтөлбөрийн нийтийн нийтийн Махсус руяжамшигийн бүйнэх
төмөнгийн төмөнгийн ажлыгийн нийтийн


Жадвалдан күриннің түріптиki, ГТларнинг фаол диаметрлари 350, 390, 430, 480, 530 мм га тенг бўлиб, ташқи тузилмаси ва күриннаш билан икки гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳдаги ГТлар бир-бирига ўхшашдир.

Биринчи гуруҳ ГТларига фаол диаметри 350 ва 390 мм, иккинчи гуруҳ ГТларига эса фаол диаметрлари 430, 480 ва 530 мм бўлганлари киради. Бу ГТлар фақат фаол диаметрларининг катта ёки кичислиги билан фарқланмасдан, балки подшипниклари ва шлицали бирикмаларининг бир оз бақувватлиги ва ГТларга қўйилган маҳсус техник талабларга биноан яратилиши билан ҳам фарқ қиласди.

55-расмда НАТИ томонидан ишлаб чиқилган тамғаси ГТР-3900 билан белгиланган ГТ кўрсатилган. Бу ГТ 3-4 классига оид ўрмон хўжалик тракторларида ва саноат тракторларининг баъзи-бир туркумларида қўлланилган.

ГТ бир дискли мухосара тармасиши муфтаси 6, тўсиқ ўздириш муфтаси ва бир меҳварда етган истиқлол қувват олувчи вали билан жиҳозланниши мумкин.

Насосли гилдирак 10 қопқоқ 7 билан болт ёрдамида бириккан бўлиб, қопқоқнин ўртасидаги ички тешикка марказлишириш йўли билан тўғинида тиши бор тишли гилдирак 4 ўтқазилиб, қопқоқ 7 га маҳкамланган. 4 рақами билан белгиланган тишли гилдирак ярим муфта вазифасини бажаради, у ўз навбатида двигатель валидаги ярим муфта билан тишлashingан. Манз шун тишли муфта ёрдамида двигатель валидаги ҳиракат насосли гилдиракка ўтади (узатилади).



55-рәсми FTP-3900 газтрансформаторининг түзилмаси (НАТИ): 1-истиқтол қувват олуулаш таалык; 2-элъязынуучы втулка; 3-оддинги подшипник; 4-тишли муфтанинг таалык чамбарагы; 5-пүлтүрдөн исалтган тишли гидрирак; 6-бир дискили мұхосара муфта; 7-насос гидриагининг доңдоғы; 8-тирақ диска; 9-турбиналы гидрирак; 10-насослы гидрирак; 11-реактор гидрирагы; 12-жудириш мұфтасы; 13-силлик галтакали подшипник; 14-орда томондагы шарнирлы (курачала) подшипник; 15-реактор үқи; 16-реактор үқиининг құвур шаклидагы қасы; 17-ёнбоша билди сираладиган подшипник; 18-турбиналы гидриракининг құвур (ича бүш) шаклидагы вали; 19-турбиналы гидриракининг түпчагы.

Тишли муфта ишлеш жараённанда қолқоқ 7 да күзде тутилган төшік орқали ГТнинг ишчи бўшлиғидан оқиб чиқаётган мой билан мойланади. Насослы гидриракининг олди қисми қолқоқ 7 ёрдамида подшипник 3 га ва орқа томони билан подшипник 13 га таянган. Подшипник 14 нинг ташки ҳалқаси реактор гидриагининг найсимон үқига, ички ҳалқаси эса турбинали гидриракининг

найсимон валининг орқа қисмига исканжалаб ўтқазилган.

Турбинали ғилдирак 9 гўпчак 19 га парчин мих ёрдамида бириккан бўлиб, ушбу бирикма найсимон вал 18 га шлица орқали ўтқазилган.

Турбинали валнинг ички қисмида цилиндросимон тешиги бўлиб, ушбу тешик қувват олувчи валнинг орқароқ қисмининг ташки юзасида қилинган камарча ҳалқага марказлаштирилган. Камарчанинг ўртасида зичламага мўлжалланган ҳалқасимон ўйиқча бор.

Турбинали ғилдирак иккита юмаланиш подшипниги 3 ва 14 ларнинг ички ҳалқасига таяниб айланади.

Подшипник 3 турбинали ва насосли ғилдиракларга таъсир этувчи ва ўқ бўйича йўналган кучларни қабул қиласи ва айлануб турган насосли ғилдиракнинг қопқоғи билан ўқи бўйича силжишининг олдини олади. Подшипник 13 ҳам ўз навбатида насосли ва реактор ҳилдиракларига таъсир этувчи ўқ бўйича йўналган кучларни қабул қиласи.

ГТда реактор ғилдираги битта бўлиб, унинг гупчаги 2 қаторли ўздириш муфтаси 12 нинг ташки ҳалқасига қирқилган шлицага ўрнатилган. Ўздириш муфтасининг силлиқ ғалтакчалари реактор ўқининг ташки юзасига таянган.

Реакторнинг ички ўқи битта деталдан эмас, балки бир неча деталлардан ташкил топган. Унинг найсимон ўқи легирланган пўлатдан ясалган. Ушбу ҳолат ўздириш муфтаси ғалтакчаларини ўқ билан ишқалангандা, унинг едирилишига чидамлилигини оширади. Ўқининг 15 рақамли дисксимон

қисми чүяндан ясалған бўлиб, унинг ички қисмидан ГТни мой билан таъминловчи каналлар бор.

Бир дискли муҳосара ишқаланма 6 муфтаси турбинали гидриракнинг орқа томонидаги цилиндрик юзали бўртиғига ўтказилиб мурват билан маҳкамланган. Муфтанинг етакловчи қисми насосли гидриракка ўриатилган таянч диск 8 ва қопқоқ 7 нинг ички томонидаги ҳалқасимон ўйигига қўйилган поршень-бустердан иборат. ГТни ишдан узиш учун қопқоқ 7 билан бустер-поршень оралиғидаги бўшлиққа босим билан суюқлик юборилса, бустер-поршень муҳосара муфтаси дискини таянч диск 8 га тақаб, турбинали гидрирак 9 ни насосди гидрирак 10 билан чамбарчас боғлайди.

Юқорида келтирилган чет элларда ва МДҲда ишлаб чиқилаётган ГТлар тузилиши, тузилмасини ва ицилаш йўлларини ўрганиш, уларни таққослаш талабга янги гидравлик узатмалар билан танишиш имкониятини яратади. Юқорида келтирилган амалий маълумотлар талаба томонидан лойизланбаётган ГТ учун минимал маълумотнома ёки материални вазифасини ўташи мумкин.

§3.9. ГИДРОЗАРБИЙ (ГИДРОДИНАМИК) УЗАТМАЛАРДА ТЎЙДИРУВЧИ СИСТЕМА ВА УЛАРДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ИШЧИ СУЮҚЛИКЛАР

ГТлардаги фойдали иш жараёни уларнинг гидрираги ишчи бўшлиқларида жойлаштирилган куракчалар орасидаги мураккаб йўлакчалардан гир айлананаётган ишчи суюқлик оқимининг йўналишига, тезлиги ва босимига боғлиқдир.

Маълумки, гилдирак бўшлигига бир-бирига қўшни турган куракчалар орасидаги масофа ўзгарувчан (масалаи, насосли гилдирак бўшлигига кираверишидаги куракчалар орасидаги масофа торроқ, гилдирак бўшлигидан чиқавериш доираисида оса куракчалар орасидаги масофа кенгроқ) бўлганлиги сабабли шу йўлакдан оқаётган ишчи суюқлик оқимининг ҳам шашни ўзгарувчан бўлади.

Куракчалар орасида ҳаракатда бўлган суюқлик оқими гилдиракнинг тез айлананишига қараб қизийди ва унинг босими ҳам ўзгаради.

Куракчалар оралиғидаги бўшлиқда суюқлик оқимининг ўзгарувчан ҳаракати ва унинг қизинши суюқлик тўлқинидаги яхлитликни бузади ва шу билан бирга унда бугланишни содир қиласди.

Суюқлик оқимининг исталган доирасидаги босим шу суюқлик буг заррачаларидағи порциал босимдан кам бўлса, у ҳолда суюқликда бугли пуфакчалар ёки буғли жамчалар пайдо бўлади. Мана шу ҳодисани кавитация ҳодисаси деб аталиб, ушбу ҳодисанинг пайдо бўлиши ГТнинг бир маромдада ишланини бузади.

Суюқлик оқимининг узилишидан ҳосил бўлган пуфакчалар ёки кўпикчалар ва суюқликнинг қизишидан ҳосил бўлган буг заррачаларидан ташкил топган бўшлиқлар куракчалар орасидаги йўлак бўшлиғи кўндаланг кесимини камайтиради ва шу кесимдан оқаётган суюқлик сарфини камайтиради.

Гир айланайётган гирдобдаги суюқлик сарфининг камайиши ГТларнинг тавсифини ёмонлаштиради ва биринчи навбатда унинг ФИКни ўзгариради.

ГТни ларзага келтирувчи тебранишларни ҳосил қиласи.

Кавитацион ҳодисалар күпроқ ГТнинг кичик қийматга эга бўлган кинематик узатишлар сонида ишлаётган иш тартибида рўй беради.

Гир айлананаётган суюқлик оқимидағи кавитация ҳодисасини бартараф қилиш ва бу ҳодисанинг ГТнинг зоҳирй тавсифига таъсирини камайтириш мақсадида ГТнинг ички бўшлиғига махсус тўйдирувчи гидраклик қурилма ёрдамида 150-700 КПа ёки 0,15-0,7 МПа босим остида суюқлик юборилади.


ГТлар ишлаши учун керакли бўлган мой босими таъминлаш ва ишчи суюқликни совитиш мақсадида, трактор трансмиссиясини бошқаришга (ҳаракатга келтиришга) хизмат қиладиган асосий гидроюритма ичидаги (таркибидаги) тўйдирувчи гидросистема тармоғи ҳосил қилинади. Тўйдирувчи ёки тўйинтирувчи гидросистеманинг тузилиши ва кўриниши ҳар киб бўлиши мумкин.

56-расмда ГТни мой билан тўйдирувчи системасининг рамзий тасвири келтирилган.

Трактор трансмиссиясини гидравлик бошқариш системасига қуйиладиган ишчи суюқликнинг ҳажми тўйдирувчи системадаги насоснинг ярим дақиқада ҳайдаб берадиган мойига teng қилиб олинади. Системага қуйиладиган суюқликнинг ҳажми, шу суюқликнинг кўпиринини камайтириш учун солинадиган қўшимчанинг ҳажмига камайтирилиши мумкин.

Тўйдирувчи насос 4 мойдан 1 дан мойни сўриб, қўйиб юборвчи клапани бор сузгич 5 орқали бош

тақсимловчи (редукцион) клапан "б"га етказиб беради.



56-расм. Гидротрансформатор түйдірувчи системасының схемасы (тасвири): 1-мойдан (бак); 2-мой үлчагы (мой сатқын баланд-пастлғынан үлчейді); 3-сузгич бор майдонға мой құйиладын түйнүү (өзінчә); 4-түйдірувчи насос; 5-сузгич бор құйиб юборувчи клапан; 6-тақсимлагич клапаны; 7-гидротрансформатор; 8-жарорат үлчагы; 9-дамланувчи клапан; 10-құйиб юборувчи клапаны бор советтік; 11-манометр (босим үлчагы); 12-чеклайдын клапан; 13-баш һұналишдатын құвур (мой үтказғын); 14-мой оқиб чиқыш һұналишдатын құвур (пойнов құвур).

Түйдірувчи насосдан жайдалаётган суюқлик сузгич 5 ва қўйиб юборувчи клапандан оқиб ўта олмаса, системани шикастланишдан асрайдыган клапан 12 орқали ўтиб, туташган берк құвурчала-ри орқали айланыб оқиши мумкин.

Сузгичдаги қўйиб юборувчи клапан эса сузгич 5 мой ичидаги чиқиндилар билан битиб қолтан тақдирдагина ишга тушиши мумкин.

Тақсимлагич клапани 6 гидромеханик трансмиссияни бошқариш системасига йўналган бош құвурдаги суюқлик босимини бир меъерда чегаралаб ушлаб туришга ёрдам беради.

Тақсимлагич клапани 6 системага шундай ула-

ниши керакки, бунда ГТнинг суюқлик билан таъминланиши клапандан чиқаётган мой оқими орқали бўлиши керак. Клапан б нинг мана шундай туриши ГТ томонга тўйдирувчи система орқали юборилаётгани суюқлик оқимини чегаралайди (узиб, очиб), ва трансмиссияда ишга туширилиши мўлжалланган узатмалар гидробосимли муфтасига суюқликни юборади.

Мана шундай қилинганда трансмиссиядаги гидробосимли ишқаланиш муфталарининг тезроқ ишга тушишига имконият яратилади ва улардаги шатаксираш ҳодисаси кескин камаяди.

Трансмиссиядаги тишли узатмалар гидробосимли муфта ёрдамида ишга туширилаётганда ГТда сезиларли даражада шатаксираш иши содир бўлади.

ТИШЛИ УЗАТМАЛАР ГИДРОБОСИМЛИ МУФТА ЁРДАМИДА ИШГА СОЛИНГАНДАН СҮНГ ТАҚСИМЛАГИЧ КЛАПАНИ Б СУЮҚЛИКНИ ГТ ТОМОН ЮБОРАДИ. ГТдан оқиб чиққан суюқлик дамланувчи клапан 9 га келади. Мана шу клапан ГТни мой билан тўйдиришига мўлжалланган босимга созланган.

Тўйдирувчи системадан ГТга йўналган суюқликнинг йўли тўсилганда ёки ГТ қувурига келаётган мой тўхтатилганда дамланувчи клапан ГТда бўлган суюқликни ортиқча босим билан бир неча дақиқа ушлаб туради.

Дамланувчи клапандан ўтган суюқлик совитич 10 га етиб боради. Совитгичга мувозий равишда қўйиб юборувчи ёлағон ўрнатилган бўлиб, агар бирон-бир сабабларга кўра совитгич ишламаса ёки уни бузилишдан сақлаш талаб қилинса, у ҳолда мой айтилган клапан орқали ўтиб майдон 1 га оқиб тушади. Совитгичдаги мой қуюқлашганда

(айниңса атроф мұхитдаги ҳарорат пасайғанда) ёки бирон-бир сабабға күрз совитгіч чиқинди билан битиб қолғанда, унинг босими ошади.

Хозирги шароитда тракторларнинг гидрозарбий узатмаларига ишчи суюқлик сифатида фақат асосида минерал бўлган мойлар қўйилади.

Мойларга қўйилган талаблар уларнинг фақат гидроузатмаларда эмас, балки узатиш кутиларида ҳам бажарадиган ишларига ва вазифаларига қараб белгиланади. Бундай дейишишимизга асосий сабаблардан бири ГТнинг механик узатмалар билан биг қадин қобиқ-кутичада туришидир. Мана шунинг учун ушбу узатмаларни мой билан таъминлайдиган мойдонлари асосан бирлаштирилган.

ГТда ишлатиладиган ишчи суюқликларга қўйида-ти талаблар қўйилган:

- Мойларнинг ёпишқоқлик даржаси уча юқори бўлмасдан ГТларда содир бўладиган гидравлик қаршиликларни камайтирадиган бўлиши;

- ГТ нормал ишлами учун мой улар деталлари сиртида мустақалығи юқори бўлган юнқа қатламини ҳосил қилиши ва шу билан бирга тишли узатмалар ва подшипникларда бир-бирига тегиб турувчи жисмлар сиртида ишқаланиши, едирилишига чидамли юнқа пардани ҳосил қилиши;

- ГТлар ишлаганда суюқликни ҳарорати 120° - 125° га стади. Унинг юқори ҳароратда ёниб кетиши ёки ўт слиши 165° - 180° да бўлиши;

- кўниринига мойилитининг камлиги;

- Эмульсия ҳосил қилиш ва ачиш хусусияти туда наст бўлиши;

- ювиш хусусиятини юқори бўлиши;

- метал сирти мой билан хўлланганда металнида

занглаш ҳодисаси умуман кам бўлиши ва зичламалар материалини емирмаслиги ва ҳ.к.лар.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ГТдаги ҳарорат 100° етганда агар мойнинг қовушоқлиги (7 дан 9 гача) $\times 10$ м³/с ёки $7 \div 9$ сСт (сантистокс) гача бўлса, бу мақсадга мувофиқ экан.

Мойнинг кўпириши ГТлар учун жуда хавфли-дир. Бунда гидродинамик узатмаларнинг буровчи моментим узатиб бериши ёмонлашади ва камаяди.

Системада мойнинг кўпириши унинг системадан сизиб чиқишини кучайтиради. Мой қовушоқлигининг камайиши унинг кўпириш хусусиятини оширади.

Мойнинг кўпиришини камайтириш ёки йўқотиш учун унга маҳсус гайри кўпириш қўшилмалари солинади (масалан: полиметилсилаксонлар (силикон суюқликлари)).

Биздаги корхоналарда тракторнинг гидромеханик трансмиссиясини мойлаш учун маҳсус мойлар ишлаб чиқилмайди. Шунинг учун трактор трансмиссиясидаги механизмларни (ГТларни) мойлаш учун ёпишоқлиги кам (майин) ва қуюқ мойларнинг аралашмалари қўлланилади.

Кам ёпишоқли мой сифатида саноат мойи билан турбинали мой аралашмаси ишлатилади.

Енгил саноат мойини ишлаб чиқаришда аосий хом ашё сифатида дистерлаш (буғга айлантириб софлаш) йўли билан олинган соляр мойи, қаттиқ - оғир мойлар учун эса, парафинсиз нефть маҳсулотини софлаштириш (буғга айлантириш) йўли билан олинган мойсимон суюқлик ишлатилади. Саноат мойлари қуйидагича тамғаланган. 12; 30; 50; 45В; ИС-30; ИС-50.

Турбинали мойларни олишда хом ашё сифатида Боку ва Эмба нефтларини (буғга айлантириб) дистерлаш йўли билан олинган суюқликларни маҳсус кислоталар билан тозаланганди маҳсулоти ишлатилади. Турбинали мойлар қуидагича тамгаланган: 22П, 22, 30(УТ), 46(Т). Бу ердаги рақамлар мойнинг қовушоқлигини, П-комплекс (мураккаб) қўшилмалилигини, Т-металл ейилишига қарши қўшилмаси борлигини билдиради.

Қуюқ мойлар сифатида авиация ва дизель мойлари ишлатилади. Бу мойлар энг сараланган нефть маҳсулотини дистерлаш йўли билан олинади.

Авиация мойлари қуидагича тамгаланган: МС-8; МК-8; МС-14; МС-20; МК-22. Дизель мойлари нинг тамғаси қуидагича: Дп-8; Д-11; Дп-14; МТ-14П, МТ-16П. Бу ерда М-мотор мойи; С-селектив эритгичлар билан тозаланганини; К-сульфат кислота билан тозаланганини; Д-дизель мойи эканлигини, рақамлар эса мойнинг 100° С даги кинетик қовушоқлиги ($\text{сСт} \text{ ёки } \text{М}^3/\text{с}$)ни билдиради.

§3.10. ТРАКТОРДАГИ ГИДРОМЕХАНИК ТРАНСМИССИЯЛАРНИНГ ТУЗИЛМАСИ (КОНСТРУКЦИЯСИ)

Ҳозирги вақтда кўплаб ишлаб чиқилаётган тракторларда қўлланилаётган гидромеханик трансмиссиянинг (ГМТ) рамзий тасвирлари ҳар хил нусхага эга. ГМТнинг рамзий тасвирлари шу тасвирларни ташкил этувчи бўлакларининг бир-бирига нисбатан туриши; кинематик ва конструктив (тузилмавий) қўринишлари билан ажралиб туради.

ГМТларнинг кўп нусхалилиги (хилма-хиллиги) бир жиҳатдан трактор трансмиссиясининг ҳам кўп кўринишларда (схемаларда) бажарилганидан келиб чиқсан. Рамзий ва конструктив тасвиirlарнинг ҳаммаси асосан ГМТларнинг янги нускасини яратишга, уларни такомиллаштиришга ва келажак учун яроқли тузилмасини яратишга қаратилган. ГМТларни яратишда ёки янги нусхаларини ишлашда барқарор мукаммаллашган таклифларнинг йўқлиги уларни яратишда, такомиллаштиришда ва ривожлантиришда маълум йўл-йўриқлар ва таклифлар бўлишини тақозо қиласди.

ГМТни яратишдаги муаммоларни ечиш мақсадида уларнинг таснифини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилган.

Таснифлашнинг ўз олдига қўйган вазифасига қараб, унинг қўйидаги белгиларига яъни асосан яратилишига (бўлакларининг мақсадга мувофиқ жойлаштирилишига), конструктив тузилишига ёки бўлмаса шу ГМТларнинг ишлаш жараёнида кўрсатган ишлатишга доир кўрсаткичлари бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ деб топилган. Шунинг учун ГМТлар асосан яратилишига, рамзий (кинематик) симондан тузилишига ва иш шароитида кўрсатган ишлаштишга доир кўрсаткичларига қараб таснифланади.

Хозирги вақтда ГМТларни таснифлашда уларни ишлатиб кўрини шароитида кўрсаттан кўрсаткичларига қараб таснифлаш қабул қилинган.

Ишлатишга доир белгиларига ва ГМТ қалин қобигидаги узатмаларнинг ича погонли эканлигига қараб улар икки туркумга бўлинади.

Биринчи туркумга гидроузатмали ва 6-8 ундан

күп погона узатмали, ёки ҳаракатни погонали ўзгартирувчи қутиси бор трансмиссия киради. Бундай трансмиссияда гидроузатма сифатида муреккаб ва муҳосараланинадиган қурилмаси бор гидротрансформаторлар қўлланилган. Иккинчи туркумга гидроузатмали ва механик узатиш қутисида 2-4 погонали узатмаси бор трансмиссия кирган. Ушбу туркумга оид ГМТларда гидроузатма сифатида фақат содда гидротрансформаторлар хизмат қилади.

Иккинчи туркумга оид бўлган ГМТлар кўпроқ юнлоқ гилдиракли за ўрмаловчи занжирли саноат тракторларида кўп қўлланилди.

Биринчи туркумга оид ГМТлар кўпинча кенг қамроғли умумий мақсадларга мўлжалланган тракторларда ва қишлоқ хўжалик тракторларида кўп қўлланилган.

Трактор ГМТлари туркум бўлиннишидан қатъий назар, улар уч хил бўлади.

Биринчи хил ГМТларга трактор ҳаракатда бўлганда улардаги узатмаларнинг ҳаракати давомида ишга қўшиш имконияти йўқлари киради. Иккинчи хил ГМТларга трактор ҳаракати жараёнида улардаги узатмаларни ишга солиш имконияти борлари ва учинчи хил ГМТларга эса трактор ҳаракати жараёнида узатмада узатилаётган қувватни узмасдан узатмаларни ишга қўшиш имкониятига эгалари киради.

Биринчи хил ГМТлари погонали узатиш қутисига эга бўлган тракторлар трансмиссиясида қўлланилди. Бу қутиларда тишли гилдиракларни ишга солиш, валга нисбатан тишли гилдиракни сурин ёки ҳар доим илашишда турган тишли


ғилдиракларни тишли муфталар ва шунга ўхшаш қурилмалар орқали ишга солиш билан амалга оширилади. Қутидаги узатмаларни ишга солиш тракторни фақат тўхтатиш йўли билан эмас, балки узатиш қутиси валлари харакати жараёнида ҳам улар ГМТларидаги ишқаланиш муфтасини ҳамда валларга ўрнатилган маҳсус қурилмаларни (масалан, тармашиш муфталарини) ёки бўлмаса қути валида айланаётган ва қўшилиши талаб қилинаётган тишли узатмалар ғилдирагининг айланиш частотасини тенглаштириб (синхронлаштириб) ишга солиш билан амалга оширилади.

Биринчи хил ГМТлари чет эл тракторларидан бири, бўлган "Интернационал ТД-24-ТС"да ва МДХ да ишлаб чиқарилаётган тракторлардан ДТ-75с да қўлланилган. "Интернационал ТД-24-ТС" тракторининг рамзий тасвири 57-расмда келтирилган.

Рамзий тасвирда 5 рақами билан погонали узатиш қутиси кўрсатилган бўлиб, бу қутидаги бирбири билан доимо илашмада бўлган узатмалар тишли муфта 6 ёрдамида ишга солиниб, гидро-трансформатордаги ҳаракат узатиш қутиси орқали орқа кўприк механизмларига оширилган. ДТ-75с тракторида эса погонали қутидаги тишли ғилдираклар шу ғилдиракларни ўз валига нисбатан силжитиш йўли билан ишга солиниб қўшилган.

Иккинчи хилга оид ГМТларда қутидаги тишли узатмаларни ишга солиш тракторининг ҳаракати ёки маълум бир иш бажариши давомида двигателдан келаётган қувватни узиш билан маҳсус ёки анча мураккаб ва такомиллашган механизмлар

(яъни ишқаланма гидробосимли муфталар ёки синхронизаторлар ва ҳ.к.) ёрдамида бажарилган.



57-расм. "Интернационал ТД-24-ТС" тракторининг гидромеханикавий узатмали трансмиссиясининг рамзий расвири: 1-ишқаланма муфтаси; 2-гидротрансформатор; 3-уланиш муфтаси; 4-икки погонали ташқи илашмали планетар (саидеравий) қаторли қайрув механизми; 5-асосий погонали узатиш қутиси; 6-тишли гидридлар жуфтини ишга туширувчи тишли муфта; 7-тасмали тормозлар; 8- гидридлар олди узатмаси; 9-етакловчи юлдузсимон гидридлар; КОВ-қувват олувлечи вал.

Бу турга кирган ГМТларда двигатель валини турбина гидридаги вали билан боғловчи ишқаланиш муфтасига ҳожат йўқ. Бундай ГМТлар қутисидаги тишли узатмаларни ишга туширишда махсус гидравлик, пневматик ва мураккаблашган юритмалардан фойдаланилади. Бу юритмаларнинг тузилиши мураккаб бўлса-да, улар узатиш қутиси бошқарилишини соддалаштириб енгиллаштирган ва ҳамда илашмага киришиши керак бўлган узатмалар қўшилишини тезлаштирган.

Биринчи хил ГМТлардаги тишли узатмаларни ишга солишида 1,5...5,0 сония сарф қилинса, иккинчи хил ГМТлардаги узатмаларни ишга солиши 0,3-0,8 сонияда амалга оширилган.

ГМТлардаги тишили узатмаларни 0,3-0,8 сонияда ишга тушиши қути валлариңдагы қувват узилиши жуда ҳам ош вақт оралығыда ўтишини билдиради. Бу эса тракторнинг йўргалакувчанлигини (маневр-чанлигини) оширади.

Узатиш қутисини бошқариш меканизмидаги мана шундай мослама ва қурилма ёрдамида тишлишиб турган тишили гилдиракларни ишга солиш далада ишилаётган тракторнининг барибир тўхташига олиб келади. Лекин тракторнинг бу тўхташи учун кетган фурсат биринчи турдаги ГМТларницидан нисбатан анча кам бўлади.

Иккинчи хилдаги ГМТлар ҳозирги замон чет эл ва МДХ мамлакатларици ишлаб чиқилган тракторларида кенг тарқалган.


Иккинчи хил ГМТларини ўрганишни ва лойидалашини осонлаштириш мақсадида улар таркиб топган меканизмлар тузилмаларига қараб уч турга бўлиниган.

Биринчи турга носайёравий узатмали трансмиссиялар, иккинчи турга сайёравий узатмалар асосида яратилиган трансмиссиялар ва учинчи турига трансмиссияда ва улар қутиларида қувват оқими ни узмасдан қувват узатувчи маҳсус қурилмали механизмлар билан таъминлангани киради.

Носайёравий узатмали ГМТлар асосан саноат тракторларида ўз ўрнини топган. 58-расмда Эймко фирмаси томонидан ишлаб чиқилган модели 105 рақами билан белгиланган ўрмаловчи замжирли трактор гидромеханик трансмиссиясининг рамзий тасвири келтирилган.

105 моделли тракторнинг трансмиссияси қуйида-ги қисмлардан ташкил топган: ГТ-гидротрансфор-

матор, КП-максус погонали қути; БГП-конуссимои ғилдиракли бош узатма, БП-бир погонали ғилдирак олди узатмаси. Бош узатма узатиш қутиси билан ёнбош кардан валлари БКВ билан берланган.



58-расм. 105 моделин үрмалозчи запекирли трактор гидромеханик трансмиссиянинг рамзий тасвири (Эймо фирмаси -АКШ): Д-двигатель; ГТ-гидротрансформатор; ЦКВ-марказий кардан вали; Φ_1 ва Φ_2 -тишли узатмалар жуфтлип шига солувчи гидробосимли муфтлар; Φ_3 , Φ_4 ва Φ_5 -харакат йўлалашини ўзgartirувчи (реверс ҳаракатини таъминловчи) муфтлар; БКВ-ёнбош кардан вали; ТД-дискили тармашма (тормоз); БГП-конуссимон ёнбош марказий узатма; БП-ғилдирак олди узатмаси; ВЗ-етаклович юлдузсимон ғилдирак; 1-13-гаши тишли ғилдираклар.

Трактор трансмиссиясида бош ишқаланима тармасиши мураси йўқ. Тракторнинг қайирув механизмилари кўп дискли тармасиши мураси сифатида бажарилган.

Двигатель Д ўз ҳаракатини момент кучайтиргич юритмаси бўлмиш ГТга ва марказий кардан вали срқали максус узатиш қутисига узатади. Узатиш қутисининг бирламчи валидаги 1 ва 3 тишли ғилдираги оралиқ валга ўриатилган гидробосимли

муфталарнинг етакловчи дискаси гупчагига ўрнатилган 2 ва 4 тишли гилдираклари билан доимо илашмада туриб, юқоридаги муфталарнинг етакланувчи қисми орқали оралиқ валга ҳаракатни узатади.

Оралиқ валда 5 ва 7 гилдираклар бўлиб, 5-инчи гилдиракдан бир вақтнинг ўзида 6 ва 6' гилдираклари, 7-инчи гилдиракдан эса 8 ва 8' оптиқча гилдиракчалари орқали 9 ва 9' гилдираклари ҳаракат олади. 5 ва 6, 6' гилдиракларининг ҳамда 7, 8, 8', 9, 9' гилдиракларининг илашиш йўли 59-расмда кўрсатилган.



59-расм. Узатек сутасидаги базан ёир тишли гилдиракларни ташлашим юъли.

Шуни айтиш керакки, 6 ва 6' ва 9, 9' гилдиракларининг меҳвари бир-бирига мувозийдир ёки ўқдошдир.

6, 6' ва 9, 9' гилдиракларининг гупчаги мой босими остида ишлайдиган Φ_1 , Φ_6 ва Φ_9 , $\Phi_{9'}$ муфталари билан боғланган. 6, 6' ва 9, 9' гилдираклари гидробосимли муфтларининг етакловчи дисклари, етакланувчи дискалари эса умумий бир барабанга ўрнатилган бўлиб, унинг ўрта бўлма дискаси ўзининг гупчаги билан иккиламчи валга маҳкамланган.

Иккиламчи ўнг ва чап валлар ёнбош кардан валлари ёки узатмалари ёрдамида конусссимон

бош узатма ғилдираклари 10, 11 ва 10', 11' ларга ва улар орқали цилиндрсизмон ғилдирак 12, 13, ва 12', 13' лардан ташкил топган ғилдирак оди узатмасига ҳаракатни узатади. Ҳаракат шундай йўл билан юлдузсимон етакловчи ғилдиракка етиб боради.

Рамзий тасвирдаги Φ_1 ва Φ_2 гидробосимли муфталар тишли ғилдиракларни ишга солишга хизмат қилса, Φ_3 , Φ_4 , Φ_5 , Φ_6 муфталар эса юлдузсимон ғилдирак томон кетаётган ҳаракатнинг йўналишини ўзгартиришга ёрдам беради. Шунинг учун уларни ҳаракат йўналишини ўзгартирувчи муфталар, яъни реверсив муфталар деб аталади.

З-жадвалда 58 ва 59-расмларда кўрсатилган ГМТнинг узатмаларини олиш учун қайси ғилдираклари қандай тишли ғилдираклар билан илашиши ва бунда қайси муфталар ишлаши, узилиши кераклиги тўғрисидаги маълумот келтирилган. МДХда ишлаб чиқилган Т-330 ва ДТ-75с тракторлари таркибида сайёравий узатма йўқлиги сабабли, улар биринчи туркум ГМТларга киради.

Т-330 ва ДТ-75с тракторларининг рамзий тасвирлари махсус адабиётларда келтирилган.

Иккинчи тур ГМТларга киравчি трансмиссиялар ўз таркибида сайёравий узатмаси борлиги билан ахралиб туради.

Шуни айтиш керакки, сайёравий қаторли узатиши қутисидаги ҳар бир узатмани трактор ҳаракати давомида ишга солиш махсус, нозик, мураккаб ва ишлаб чиқарилиши иқтисодий томондан анча қимматга тушадиган қурилмалар ёрдамида амалга оширилган. Шундай қурилмаларнинг ниҳоятда мураккаблиги ва қимматлиги уларнинг

TRACTOR TRANSMISSIONSIDA KENGIRQ KÜLLANIILIISHIGA TÜSКИЛИК ҚИЛИБ ТУРИБДИ. БИРӘК ЧЕТ ЭЛДА ЮҚОРИДА БАЁН ЭТИЛГАН ҚУРШМАЛАРИНИГ МУРАККАБЛИГИГА ҚАРАМАСДАН МЕХАНИКАВИЙ ҚИСМИ САЙЁРАВИЙ ҚАТОРЛИ ВА ГИДРАВЛИК ҚИСМИ ГИДРОТРАНСФОРМАТОРЛИ ТРАНСМИССИЯЛАРИН АҚШДАГИ ИККИ ФИРМА ЖОН ДИР ВА КАТЕРПИЛЛЕР ФИРМАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.


3-маддас.

Муфталар ва тишили узатмаларининг ишлаши түгрисидаги маълумот

Оригинал номер	Оригинал формул тезги км/с	Күйишқа бўйича	Муфталар						Илашимада тўртган тишил ғифодираклар ниг кетма-кетлиги (58 ва 59-расмлардаги рамзи ўзасвир(схема) бўйича)
			Φ_1	Φ_2	Φ_3	Φ_4	Φ_5	Φ_6	
Оригинал номер	I	4,0	+	-	+	-	+	-	7-8'-9'-10'-11'-12'-13' 1-2 5-6-10-11-12-13
	II	9,6	-	+	+	-	+	-	7-8'-9'-10'-11'-12'-13' 3-4 5-6-10-11-12-13
Оригинал номер	I	4,0	+	-	-	+	-	+	5-6'-10'-11'-12'-13' 1-2 7-8-9-10-11-12-13
	II	9,6	-	+	-	+	-	+	5-6'-10'-12'-13' 3-4 7-8-9-10-11-12-13

Катерпиллер фирмаси томонидан ишлаб чиқилган "Рауэр-Шифт" ўрмаловчи занжирли юк ортувчи трактор трансмиссиясининг рамзий тасвири 60-расмда келтирилган. Кўрэтилган ГМТда двигателдан келаётган ҳаракат гидротрансформаторда куҷайтирилиб узатиш қутисига етказиб берилган.

Трансмиссиядаги механик узатмали қутида 4 та сайёравий (планетар) қатор бўлиб, уларнинг ҳар бирин уларнинг махсус дискли тормоз (тармашма) билан бошқарилади.



60-расм. Катерпиллер фирмаси (АКШ) ишлаб чиқарган "Рауэр-Шифт" трактори трансмиссиянинг кинематик (рамзий) схемаси (тасвири): 1-двигатель (Д); 2-гидротрансформатор (ГТ); ПК₁, ПК₂, ПК₃, ПК₄-планетар (сайёравий) қаторлар; РМ-ҳаракат йўналишини ўзgartirувч (реверсив) механизми; УК-узатшашар қутиси; 3-ҳаракат масайтиргич (ДМ); 4-етаклочи юлдузсимон ғиддирак; 5-гидрака олди узатмалари; 6-тасмали тормоз (тармашма); 7-ишқалзами муфтали ғайрув механизми; 8-бои узатма; 9-сиййидиган тишили ғиддираклар блоки (СЕ); Т₁, Т₂, Т₃, Т₄-тормозлар; I, II, Ор.х. Олх.-олинадиган узатмаларнинг белгиси (I ва II лар баркича ва иккинчи узатма; Ор.х-орка ҳаракат; Олх-олдинги (олга) ҳаракат); Ю-юзора узатма; П-пастки узатма.

Кутидаги барча сайёравий узатмалар аралаш

илашмали сайеравий қатордан ташкил топған бұлиб, биринчи ва иккінчи (ПК_1 ва ПК_2) қаторнинг қүёшсимон гидрираклари бир валда ўтирувчи құш гидрирак сифатыда ясалған ва улар етакловичи гидрирак вазифасини бажаради. Учинчи ва түртінчи (ПК_3 ва ПК_4) сайеравий қаторнинг күёшсимон гидрираклари эса етакланувчи гидрираклар вазифасини бажаради.

ПК_1 сайеравий қаторнинг дискали тормози ишга солинганда шу қатордаги водило тұхтайди. Шу қаторнинг бош гидрираги иккінчи ва учинчи сайеравий қаторнинг умумий водилоси билан бөгланған. Учинчи сайеравий қаторнинг бош гидрираги түртінчи сайеравий қаторнинг водилоси билан бөгланған. T_1 , T_2 , T_3 , тормозлар шу қаторларнинг бош гидриракларының тұхтатади.

Олдина турған бірнеше ва иккінчи сайеравий қаторлар ҳаракат үйелешини ўзgartырувчи, (реверсив ҳаракатни берувчи), орқадаги учинчи ва түртінчи сайеравий қаторлар эса узатиш қутиси вазифесини, яғни узатмани узатиш сонини ўзgartырувчи вазифасини бажаради.

Узатиш қутисидаги әр бир дискли тормозларни 4-жадвалда күрсатылған тартиб асосида ишга солиб, трансмиссия учун керакли бўлган узатышлар сонини ва ҳаракат йўналишини ўзgartирishимиз мумкин.

Узатиш қутиси кардан узатмаси орқали ҳаракатни пасайтирувчи ики поғонали узатма 9 билан бөгланған. Ҳаракат пасайтиргич 9 да иккі поғонали узатма бўлиб, бу поғоналардаги тишли узатмалар ишга солинганда, трансмиссиядаги узатмалар сони 4 дан 8 тагача ошади.

"Рауэр-Шифт" трактори трансмиссиясидаги узатмалар ва уларнинг узатишлар сони, тормозлар ва уларни ишлаши түгрисидаги маълумот.

Узат- малар	Тормозлар (тармашмалар)					Узатишлар сони
ОЛДИНГА	I	-	+	-	+	$U_1 = \frac{(1+K_2) \times (1+K_3+K_4)}{(1+K_3) \times (1+K_1)} = 1,78$
ОЛДИНГА	II	-	+	-	+	$U_2 = \frac{1+K_2}{1+K_3} = 0,94$
ОРКА	I	+	-	-	+	$U_{\text{орка}} = - \frac{K_1(1+K_3+K_4)}{(1+K_3) \times (1+K_1)} = -1,44$
ОРКА	II	+	-	+	-	$U_{\text{орка}} = - \frac{K_1}{1+K_3} = -0,76$

Шундай қилиб, узатиш қутиси ҳаракат пасайтиргичи билан қўшилганда трансмиссияда 4 та олдинга ва 4 та орқа томонга ҳаракатни таъминловчи узатмаларни олишимиз мумкин.

Учинчи тур ГМТлар иккинчи тур ГМТларга нисбатан ўзларида узатиш қутисидаги узатмаларни

қўшишда ёки бўлмаса бир узатмадан иккинчи узатмага ўтиш жараёнида узатилаётган қувват оқимини узмасдан узатмаларни ишга солувчи қурилмалари борлиги билан ажралиб туради.

Ушбу вазифани бажарувчи қурилмалар кўп дискли муфталардан, трансмиссия механизmlарини бошқарувчи тормозлардан ва ўздириш муфталаридан иборат. Мана шундай қурилмага эга бўлган трактор трансмиссиялари АҚШнинг Форд ва Жон Дир фирмаларида ишлаб чиқарилаетир. Бу қурилмаларниг ишлаш йўли "Узатиш қутиси" бобида келтирилган буровчи моментни оширувчи (бмо) мосламаларининг ишига жуда ўхшашибдир.

БМОлар қутидаги ҳар бир якка узатмани узатиш сонини автоматик равишда унинг ҳаракати давомида ўзгартиришга имконият яратган бўлса, пастда номлари келтирилган икки фирма ишлаб чиқсан трансмиссия қутисида ҳар бир узатма қувват оқимини узмасдан узатиб берувчи ўзига хос мосламага эга қилиб яратилган.

Мана шу гуруҳдаги трансмиссияларга, "Форд" фирмаси томонидан ишлаб чиқилган "Селект-О-Спид" трансмиссияси ва "Жон-Дир" фирмаси ишлаган "Пауэр-Шифт" трансмиссияси ва МДҲ мамлакатларида ишлаб чиқилган Т-330 тракторининг трансмиссияси киради. Улар тўғрисидаги маълумотлар махсус адабиётларда келтирилган.

Хозирги ёқтда ишлаб чиқарилаетган гидромеханик узатмали трансмиссияларнинг тузилмаси, тракторсозлар томонидан пухта ишлов берилиши натижасида етарли даражада сайқаллашиб, такомиллашиб бормоқда.

Чет эл давлатларининг илмий адабиётларида бе-

рилған маълумотларга қараганда, ГМТли саноат тракторининг баҳоси (нархи) ўзига тенгдош механик узатмали содда трактор баҳосидан 17 фоиз қиммат, вазни эса 2 фоиз оғирдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Барский И.Б. Конструирование и расчет тракторов. Москва. Машиностроение 1980.
2. Каталог. Гидравлическое оборудование. Москва, 1988.
3. Трансмиссии тракторов. Москва. Машиностроение. 1976.
4. Анилович В.Я. и др. Конструирование и расчет сельхозяйственных тракторов. Справочное пособие. Москва. Машиностроение. 1976.
5. Стесин С.П. Яковенко Е.А. Гидродинамическое передачи. Москва. Машиностроение, 1973.
6. Гавриленко Б.А. Семичастов И.Ф. Гидравлические муфты, трансформаторы. Москва, Машиностроение, 1969.
7. Этингер М.М. Теория и расчет трубомуфты. Труды ЦИАМ, №128; Москва. Оборонгиз, 1963.
8. Горбунов П.П., Черпак Ф.А., Львовский К.Я. Гидродинамические трансмиссии тракторов. Изд. Машиностроение, Москва, 1966.
9. Алексопольский Д.Я. Гидродинамические передачи. машгиз, 1963.
10. Трансмиссии тракторов. Москва. Машиностроение 1976.
11. Тракторы. Дипломное проектирование. Под редакцией В.В.Будько. Минск, "Вышэйшая школа", 1885.

МУНДАРИЖА

II қисм. Гидрозарбий [°] (гидродинамик) узатмалар.	3
§2.1. Гидродинамик (гидрозарбий) муфталар. Тузилиши ва ишлаш услуби.	4
§2.2. Гидродинамик муфталарнинг афзаликлари, камчиликлари ва қўлланиши тўғрисида баязи бир маълумотлар.	9
§2.3. Гидрозарбий (гидродинамик) муфталарнинг зоҳирий иш тавсифи. Муғтанилойиҳалашдаги усул ва қоида.	15
§2.4. Гидрозарбий (гидродинамик) узатмалар тузилмасининг ривожланиши тарихи ва уларни тузилмалари тўғрисида.	24
§2.5. Гидрозарбий (гидродинамик) муфталарнинг тузилмалари.	29
III қисм. Гидрозарбий (гидродинамик) трансформаторлар.	
§3.1. Тузилиши, ишлаш усуслари, тузилмалари ва зоҳирий иш тавсифи.	35
§3.2. Мураккаб гидротрансформаторлар.	48
§3.3. Гидрозарбий (гидродинамик) трансформаторларнинг таснифи.	63
§3.4. Гидрозарбий (гидродинамик) трансформаторларни лойиҳалаш тартиби.	66
§3.5. Механик узатмали ГТлар (гидромеханик узатмалар).	70
§3.6. Гидрозарбий (гидродинамик) трансформаторларнинг тузилмалари ва кўрининишлари.	81
§3.7. Чет элларда ишлаб чиқарилгаётган гидротрансформаторлар тўғрисида қисқача маълумот.	83

§3.8. МДХда ишлаб чыкарилаётган гидротрансформаторлар.. - - - - -	92
§3.9. Гидрозарбий (гидродинамик) узатмаларда, түйдирүвчи система ва уларда иштирек этадиган ишчи суюкликлар. - - - - -	98
§3.10. Трактордаги гидромеханик трансмиссияларниң тузилмаси (конструкцияси). - - - - -	105
Фойдаланылган адабиётлар.	

А. РАХИМОВ

КОНСТРУИРОВАНИЕ И РАСЧЕТ ТРАКТОРА.

**ГИДРОВЛИЧЕСКИЕ ПРИВОДЫ В ТРАКТОРНЫХ
ТРАНСМИССИЯХ**

ЧАСТЬ II

ГИДРОДИНАМИЧЕСКИЕ ПЕРЕДАЧИ

**УЧЕБНОЕ ПОСОБИЕ ДЛЯ СТУДЕНТОВ
СПЕЦИАЛЬНОСТИ 1502 "ТРАКТОРОСТРОЕНИЕ"**

Рахимов Ахбор

Тракторларни яратиш ва хисоблама.

Трактор трансмиссиясициги гидравлик юритмалар.

II қисм

Редактор: Кобилова С.

Гендерлік редактор: Інж. Н. Г. 1939

Босшага Союз рухсат этилди. Зичими сабаки /До
Тип I қорози. Шартлы босма табоғы 8.0. 1000 нұсқада.
Зерттма 883

Бағдарин көлиниңдеги нархда

Абай Раіхон Беруний номли Тошкент давлат Техника университети
100000. Тошкент Галасалар жаһарчаси, Университет кечаси, 9 уй
Тошкент давлат Техника университети босчахонасы.
700000 Тошкент, Талабалар жаһарчаси

Типография № 4 ТИПО им. Ибн-Сина
Ташкент—700200 пр. Радиальный, 10.